



MILLIY TIKLANISH

22 (135) 2011 йил 8 июнь, чоршанба Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

www.milliytiklanish.uz

Хоразм — тамаддун бешиги

Мазкур анжумандан кўзланган мақсад партия сайловолди Платформасида белгиланган ёшларни буюк ва бетакрор меросимиз билан кенгроқ таништириш, уларни ажодларимиз аъёнларини давом эттиришга жалб қилиш каби вазифалар ижросини таъминлашдан иборат. ЎзМТДП томонидан ўтказилаётган бу каби тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз.



Истиқбол ёшлар кўлида

Эл-юртинг фаровон, тинч-осойишта бўлиши, тўқин-сочинликда яшаши, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашида, албатта, ёш авлоднинг хизмати беқиёс бўлиши тайин. Шу боис, республикамизнинг вилоят, туман марказлари, ҳатто, чекка қишлоқларида жаҳон андозаларига мос академик лицей, касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатмоқда.



Ўзбек миллий хунармандчилиги

Уюшма 13 та ҳудудий бошқарма ва 142 та бўлимга эга бўлиб, ўзида 20 минг 871 нафар хунармандни бириктирган. Аини пайтда 25 га яқин йўналиш бўйича 1000 дан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. Жумладан, кулолчилик, ёғоч, ганч ўймакорлиги, мисгарлик, миллий каштачилик, қандакорлик, заргарлик, тоштарошлик, сандиқсозлик, бешикчилик, тўқимачилик, чинни буюмлар ишлаш, ип ва шойи матолар тўқиш сингари хунармандчилик турлари билан шуғулланмоқдалар.

3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



ИСТИҚЛОЛДАН БАХТ ТОПГАН ҚИЗЛАР

Маълумки, дунёда тараққий этган давлатларнинг аксарият қисмини жаҳонга танитган ўша юртининг спорти ва спортчи фарзандларидир.

Юртимизнинг барча ҳудудларида ҳам замонавий анжумлар билан жиҳозланган спорт мажмуалари, иншоотлари ва майдонлари барпо этилмоқдаки, бунинг натижасида Ўзбекистон ёшлари халқаро ва жаҳон миқёсида улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Шу жумладан, мамлакатимизда спортнинг нафис ва нозик, хотин-қизларга хос турларини ривожлантириш, ёш қизларни спортга кенг жалб

этиш орқали жисмонан ва маънан етук авлодни тарбиялаш масаласи устувор вазифалардан бирига айланган. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси масъул ташкилотлар ҳамкорлигида давлатимиз мустақиллигининг йигирма йиллик байрамига бағишланган спортнинг турли йўналишларида жаҳон ва Осиё ўйинлари иштирокчилари ва голиблари бўлган Зулфия номдаги Давлат мукофоти совриндорлари-

нинг ютуқлари тақдимотини ўтказди.

Мазкур "Истиқлолдан бахт топган қизлар" номи тадбир доирасида совриндор қизларнинг спорт йўналишидаги фаолияти давомида қўлга киритган ютуқларини тасдиқловчи олтин, кумуш, бронза медаллари, кубок, диплом, фахрий ёрликларининг кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Унда қатнашган ОАВ ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик совриндорларнинг спортда эришган ютуқлари асосида тайёрланган слайдларини ҳам томоша қилишди.

4-бет

АНЖУМАН

ХОРАЗМ — ТАМАДДУН БЕШИГИ

ЎзМТДП ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНДА АНА ШУ ИБОРА БОТ-БОТ ТАКРОРЛАНДИ

ЎзМТДП Хоразм вилояти Кенгаши ташаббуси билан Хоразм Маъмур академияси, Урганч Давлат университети ҳамкорлигида "Антик давр цивилизацияси тараққиётида Хоразмнинг ўрни" мавзусида илмий-амалий анжуман ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзМТДП вилоят Кенгаши аъзолари, тарихшунос олимлар, археологлар, партия фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Хоразмнинг бой ва қадимий тарихини ёш авлод онги ва қалбига чуқур сингдириш, бу бо-

рада олиб борилаётган ишлар билан яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилган

мазкур анжуманда археолог ва тарихшунос олимларнинг "Ўрта Осиё тарихи тизимида қадимий Хоразм цивилизациянинг ўрни", "Жаҳон санъати ва маданияти тарихида — Хоразм", "Хазорасп — буюк ипак йўлидаги қадимий маданият маркази" каби учта йўналиш бўйича 50 дан зиёд маърузалари тингланди.

3-бет

6 ЖАРАЁН

ТАНЛОВ

ЎЗБЕГИМНИНГ ШИРМОЙ НОНЛАРИ

Пойтахт умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирокида "Нон қадр" ёки "Ўзбек нони" мавзусида иншоолар танлови ўтказилди.

Мақтаб, туман ва шаҳар босқичларида ўтказилган танловда 7, 8, 9-синф ўқувчилари ўзларининг 50 га яқин ижодий ишларини ҳакамлар ҳайъатига тақдим этишди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги Қарорига биноан юртимизда аънавий равишда "Ўзбек нонлари ва ширинликлари" оммавий байрами ўтказилиб келинади.

Мазкур тадбир доирасида ўтказилган кўрик-танлов ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон сифатида тарбиялашда маданий-маърифий жиҳатдан катта аҳамият касб этади. Ушбу кўрик ўзбек миллий нонвойчилиги ва қандолатчилик аъёнларининг номдодий маданий мерос дурдонаси сифатида хорижга кенг тарғиб этилишида, ноннинг кадр-қимматини ўқувчиларга онги ва шуурига сингдиришда, халқимизнинг минг йиллик пазандачилик неъматларини келгуси авлодга етказиш ҳамда маданий меросимизни кўз қорачигимиздай асраб-авайлашда муносиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Азима ҚИЁСОВА

8 КЎЗГУ

КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ

ЎЗМТДП ЭЪТИБОРИДА

Инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлаш адолатли ҳамда демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мақсади. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти юксак даражада бўлишини талаб этади. Қоливерса, бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши, қонун устуворлигини таъминлаш имконияти яратилади.

Истиқлол йилларида мамлакат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи Конституция, кодекслар, қатор қонунлар қабул қилинди. Жаҳон андозаларига мос қонунчилик базаси яратилиб, ҳуқуқий маданиятни ошириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди ва бу жараён янада янги ёндашувлар билан тўлдирил-

моқда. Зеро, Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номи маърузасида таъкидлаганидек: "Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ис-

лохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият - демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир".

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш мақсадида "Жамиятда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш Миллий дастури" ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишларини яхшилаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

2-бет

ФОРУМ

ЁШЛАР — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

БУХОРОДА ЎТКАЗИЛГАН МИНТАКАВИЙ ФОРУМ ЁШ АВЛОДНИ МИЛЛИЙ КАДРИЯТЛАРИМИЗГА ҲУРМАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШГА ҚАРАТИЛДИ

Ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук инсон қилиб вояга етказиш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини яратиш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Зеро, ЎзМТДПнинг Дастурий мақсади ҳам ёшларнинг Ватанини севиш, у билан фахрланиш, ҳар қандай шароитда миллий мустақиллик, халқнинг қадрияти, аънана, урф-одатларини асраш ва ҳимоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган.

Бухоро вилояти Кенгашлари аъзолари, "Ёшлар қаноти" фаоллари ва кенг жамоатчилик иштирок этди.

Меҳмонлар дастлаб, Бухорода Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Маданий марказ ва ундаги "Бокий ва навқирон Бухоро" монументини томоша қилдилар. Шундан сўнг қарнай-сурнай садолари иштирокчиларни форум ўтадиган Маданий марказдаги вилоят мусиқали ва драма театрининг янги биносига қорлади.

2-бет

МТ

БУГУНГИ СОНДА:

СИЁСАТ

2-бет

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш

Партия кадрлари

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

3-бет

Хоразм — тамаддун бешиги

Депутатлик гуруҳлари

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

4-бет

Демократик жамиятни шакллантириш

Сайлов — демократия омили

МАЪНАВИЯТ

5-бет

Музейлар — тарих кўзгуси

Серфайз гулшан

Халқ оғзаки ижоди

ЖАРАЁН

6-бет

Инсон манфаати ҳар нарсадан устун

Бобомнинг савати

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

7-бет

Пекинга саёҳат

КЎЗГУ

8-бет

Ўзбек миллий хунармандчилиги

Мусиқа байрами

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



СИЁСАТ

КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПнинг УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ

ЎЗМТДП ЭЪТИБОРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)



Шунингдек, мухтарам Юртбошимизнинг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил қилиш тўғрисида"ги фармойиши фуқаролар ҳуқуқий онгини юксалтириш борасидаги кенг қамровли ишларнинг амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этди. Бош Қомусимизни ўрганиш, аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишнинг изчил тизими яратилди. Жумладан, Конституцияни ўрганишнинг методикаси, услубияти ишлаб чиқилди ва шу асосда тегишли дарслиқлар, ўқув ва услубий кўланмалар ҳамда соҳага оид қатор илмий, илмий-методик рисолалар чоп этилди.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширилиши натижасида аҳолининг барча қатламларида ҳуқуқий саводхонлик ҳаётда қўллай билиш кўникмаларини шакллантириш ва доимий ривожлантириб бориш йўлга қўйилди.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий маданият даражаси қабул қилинган қонунлар ва қонун ҳужжатларининг сони билан эмас, балки

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширилиши натижасида аҳолининг барча қатламларида ҳуқуқий саводхонлик юксалмоқда, энг муҳими, ҳуқуқий билимларни кундалик ҳаётда қўллай билиш кўникмаларини шакллантириш ва доимий ривожлантириб бориш йўлга қўйилди.

уларнинг ижроси, қанчалик даражада ҳаётга татбиқ этилаётганлиги билан баҳоланади. Зеро, ҳуқуқий нормалар аҳоли онгига, ҳар бир фуқаро шуурига сингиши, уларнинг ижроси, жамият ҳаётида акс этиши муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур жараёнда, аввало, аҳолининг кенг қатлами қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятидан тўлиқ хабардор бўлиши, ундан ўзининг ҳуқуқий ҳимояси ва манфаатларининг ифодасини топа олиши зарур.

Шу боис Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида "Юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда" деб алоҳида таъкидланди.

Зеро, қонунлардан яхши хабардор кишиларгина уларга риоя қилади, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ҳамда рўёбга чиқаришни билади. Қонунлардан хабардор инсон ўзини ҳам, оиласини ҳам, халқини ҳам, давлатини ҳам ҳимоя эта олади. Қонун талабларига

қатъий риоя этиш, қонунларимизга ҳурмат кўрсатиш, қонун олдида мансабдор шахс ва оддий фуқаро ҳам, эркак ва аёллар ҳам, ёшув қариялар ҳам, тadbиркору бизнесменлар ҳам, давлат хизматчилари ҳам тенг масъул эканлигини, бу борада ҳеч кимга имтиёз берилмаслигини чуқур идрок этиш, ана шу кадрлар инсон онгига чуқур ва мукамал сингдирилиб бориши зарур.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловли Ҳаракат дастурида олдимизга "Миллий тикланиш" демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва очик фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнининг ажралмас қисми эканлигидан келиб чиқиб, миллий таърибга асосланган, ўзимизнинг ислохотлар моделига таянган ҳолда сиёсий-ҳуқуқий маданиятни оширишда ҳамда демократик кадрларни одамлар онгига сингдиришда фаол иштирок этиш" вазифаси қўйилган. Шу нуқтаи назардан ЎЗМТДПнинг барча даражадаги депутатлари ва фаоллари аҳоли барча қатламларининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, юқори даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлиши ҳамда ҳуқуқий билимларни кундалик ҳаётда қўллай олишига кўмаклашишни мақсад қилади.

Бугунги демократик ислохотлар жараёнида жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича амалий фаолиятимизни янада кучайтиришимиз зарур. ЎЗМТДП ташкилотлари ҳуқуқий таълим ва тарбия тизимини такомиллаштириш, давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ва ҳуқуққа ҳурмат билан муносабатда бўлишни таъминлашга муносиб ҳисса қўишни ўзларининг муҳим вазифалари деб билади. Шунингдек, ўтказилаётган партиявий тadbирларда ҳуқуқий онгни шакллантиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Конституция, қонунлар, кодекслар, фармонлар, қарорлар ва бошқа қонуности ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш масалалари ҳам ЎЗМТДПнинг устувор мақсадларидан биридир. Бинобарин, ҳуқуқий маданиятнинг юксаклиги давлат ва жамият тизимидаги ҳуқуқий муносабатлар барқарорлигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини намойён қилиши, ижтимоий, социал-иқтисодий ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишида муҳим аҳамият касб этади.

А. МАМАТОВ,
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси



(Давоми. Боши 1-бетда)

Форумни очган ЎЗМТДП Бухоро вилояти Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Т. Усмонов айни пайтда вилоят бўйича партия аъзоларининг 62 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этишига эътиборни қаратди.

Жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида айнан ёшлар иштирокида 105 та тadbир ўтказилди. - "ЎЗМТДП фаолиятини янада кучайтиришда ёшларнинг ўрни ва роли", "Экология ва ёшлар", "Оммавий маданият: ёшлар маънавиятига таъсири", "Миллий хунармандчиликни ривожлантиришда ёшларнинг ўрни ва роли", "Кадрият, урф-одат, аъна ва ёшлар" каби мавзуларда ўтказилган тadbир, давра суҳбати ва семинар-тренинглар шулар жумласидандир. Вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" томонидан ташкил этилган бугунги форум ҳам ёшлар ўртасида дўстона муносабат ва ўзаро ҳурмат туйғусини шакллантириш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтиришга қаратилган, - деди нотик.

Форумда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, Юртбошимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик



ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номи маърузаси асосида Конституцияга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти ҳақида кенг ва батафсил маълумотлар берилди.

Мухтарам Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор қаратилмоқда, - деди форумда сўзга чиққан ЎЗМТДП МК Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А. Эшмуродов. - Бу каби тadbирларни ташкил этишдан кўзланган мақсад ёшлар онги ва тафаккурида Ватан келажаги учун масъулини янада ошириш, уларда юртга

● ФОРУМ

ЁШЛАР – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

БУХОРОДА ЎТКАЗИЛГАН МИНТАҚАВИЙ ФОРУМ ЁШ АВЛОДНИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА ҲУРМАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШГА ҚАРАТИЛДИ

садокат, ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ҳамда жамиятда ўз ўринларини эгаллашларига кўмаклашишдан иборат. Ёшлар форумида халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши депутати З. Тоировнинг дав-

бир нечта халқаро турнирлар голиби А. Ҳамроевга ЎЗМТДПга аъзолик гувоҳномаси, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди. Шундан сўнг Бухоро давлат мусикали драма театри актёрлари томонидан драматург

қилинаётган бундай тadbирлар ЎЗМТДПнинг гоёвий ва дастурий мақсадлари рўёби учун хизмат қилиши шубҳасиз. Биз ёшларнинг тadbир ҳақидаги фикр-мулоҳаза ва ундан олган таассуротлари билан қизиқдик.

Зарина ТЕМИРБУЛАТОВА, ЎЗМТДП Самарқанд вилояти Кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси:

Қадимий ва навқирон Бухоро кимларни ҳайратга солмаган дейсиз. Тарихий ва маданий обидаларни кўриб бунга яна бир қарра амин бўлдик. ЎЗМТДП Бухоро вилояти Кенгаши "Ёшлар қаноти" ушбу тadbирга жуда катта таяйбарлик кўрибди. Бугунги кун хотирамизда бир умр муҳрланиб қолиши шубҳасиз. Бизни самимий ва илиқ қутиб олганлари учун форум ташкилотчиларига ташаккур билдираимиз.

Дилафруз БАҲРИДДИНОВА, ЎЗМТДП Навоий вилояти Кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси:

Форум доирасида қилинган маърузалар, қироили спектакль, куй-қўшиқ, тарихий обидаларга қилинган саёҳат бизда катта таассурот қолдирди. Президентимиз ватанимиз келажаги бўлган биз ёшларга жуда катта ишонч билдирмоқдалар. Модомики шундай экан, биз у кишининг бундай юксак ишончларига муносиб бўлишга ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Маннон ОТАБОЙ,
"Millyi tiklanish" мухбири

Зулумор Солиева асари асосида сахналаштирилган "Бухороча тўй қуламан" номли спектакли намойиш этилди.

Тушликдан сўнг форум иштирокчилари Қўқалдош мадрасасида "Олтин мерос" жамғармасининг Бухоро бўлими томонидан ташкил этилган қадим воҳанинги ўзига хос миллий хунармандчилик махсулотлари билан танишдилар. Шунингдек, Р. Аезов раҳбарлигидаги "Бухорча" фольклор-этнографик ансамбли ўз қонгерт дастурини намойиш этди. Концертдан сўнг форум қатнашчилари Бухоронинг тарихий обидалари билан танишдилар.

Ёшлар миллат келажаги, демакки миллий қадриятларимиз, урф-одат ва аъналаримиз давомчиларидир. Баркамол авлод тарбияси йўлида

● ЎҚУВ-СЕМИНАР

ПАРТИЯ КАДРЛАРИ

БИЛИМ ВА КўНИКМАЛАРИНИ ОШИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

Жиззахда ЎЗМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партиялар: Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси тизимида кадрлар билан ишлаш" мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Марказий Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутатлари, партиянинг вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари Ижроия қўмиталари раислари, уларнинг ташкилий-партиявий ва кадрлар масалалари бўйича ўринбосарлари, етакчи мутахассислари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Ўқув-семинар Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номи маърузаси асосида юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш чора-тadbирлари, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг замон талабларига жавоб берадиган муқобил йўллари ҳамда Концепцияда белгиланган устувор йўналишларни ЎЗМТДПнинг барча ҳудудий ташкилотларида жорий этиш мақсадида ўтказилди. Шунингдек, семинарда партия фаолиятини янада такомиллаштириш, ёш кадрлар потенциалини шакллантириш ва кучайтириш,

уларнинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва иқтисодий билимларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Семинарда "Партия устави ва дастури талаблари асосида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ташкилий-партиявий ва кадрлар сиёсатини янада такомиллаштириш масалалари", "Партия кадрлари малакасини оширишнинг замонавий усул ва воситаларини қўллашнинг аҳамияти", "ЎЗМТДП фаолиятини янада такомиллаштиришда партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда маҳаллий Кенгашилардаги депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлиги", "Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш — фуқаролик жамиятини ривожлантириш омилларидан бири сифатида", "Ўзбекистонда сиёсий партиялар фа-

олиятининг ҳуқуқий асослари" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Йўғиланишда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари тақдир этган Концепцияда белгиланган устувор йўналиш ва вазифалар Ўзбекистонни дунёдаги энг ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиши ва жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Шу нуқтаи назардан халқимизнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлари, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологиялар ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш ЎЗМТДП олдида турган муҳим масалалардан биридир. Шу боис партия кадрларининг сиёсий онгини ошириш, ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш мақсадида қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Мазкур ўқув-семинар ҳам ушбу соҳадаги яна бир муҳим қадам десак муболага бўлмайди.

Машғулотларда ЎЗМТДП сайловли Ҳаракат дастури ижросини таъминлашда ҳудудий партия ташкилотлари ва партиянинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларидаги депутатлик гуруҳларининг ўрни ва ролини ошириш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда сайловчилар билан биргаликда ишлашнинг янги механизми ишлаб чиқилди.

ЎЗМТДП МК
Ахборот хизмати

● АКЦИЯ

Ёшлар бугунги кунимиз қувончи, эртанги ҳаётимиз давомчиларидир. Шу боис, уларни баркамол шахслар қилиб вояга етказиш ҳақида устувор вазифа бўлиб келган. Жамиятда етуқ инсонлар бўлиб етишишларида ота-оналарнинг олдида турган вазифалар ҳар томонлама белгилаб берилган. Бирок, уларнинг меҳр-муҳаббатини, тарбиясида мосуво бўлган болалар тарбияси билан шугулланиш, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш, қониқ инсонлар қилиб тарбиялаш масъулияти бутун жамоатчиликнинг вазифасидир.

ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ

ҚАДИМИЙ ВА НАВҚИРОН САМАРҚАНДНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИЛАР

ЎЗМТДП Самарқанд вилояти Кенгаши, "Меҳр нури" жамғармаси, "Самарқанд-СТВ" ижодий уюшмаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси вилоят бўлими ҳамда "Хунарманд" уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда "Юртим тарихини ўрганаман" шиори остида ёшлар акцияси ўтказилди. Акция доирасида Тошкент шаҳри меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари вакиллари билан Самарқанд шаҳрига бир кунлик саёҳати ташкил этилди.

Саёҳат ёшларни тарихий ўтмишимиз, улуг аждодларимиз қолдирган бой маънавий, маданий мероси билан яқиндан таништириш, ўрганиш ҳамда эртаимиз эгаларини ўз Ватанини севтишига, миллий қадрият, аъна ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида камол топишларига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилди.

Шу кун ёшлар Мирзо Улугбек расадхонаси, Ғўри Амир мақбараси ва Регистон майдони каби қадимий зиёрат қилишди. Буюқ бобоклонларимиз бунёд этган муҳташам бинолар, улар қолдирган моддий ва номоддий маданий мерос саёҳатчиларда улуг аждодларига нисбатан чу-

қур фахрланиш, юксак эҳтиром туйғуларини пайдо қилди. Шунингдек, ёш сайёҳлар истиқлол йилларида янада чирой очган кўҳна ва навқирон шаҳарнинг замонавий иншоотлари, кўча ва боғларини сайр қилишди.

Самарқанднинг осори-атиқалари, тарихий обидалари ва бугунги замонавий бунёдкорлик ишлари болаларда ўзгача ҳавас ва қизиқиш уйғотди, - дейди ЎЗМТДП Самарқанд вилояти Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси в. б. А. Мирзаев. - Ер юзининг сайқали, азиз аждодларимиз шайбўтган бу масканга келганидан боши осмонга, қувончи кўкка етган ёшларнинг Ватанимизга нисбатан меҳр-муҳаббат ва садокат, унинг порлоқ келажагига юксак ишонч туйғуларини мустаҳкамланди. Зеро, улар ота-она меҳридан мосуво бўлса-да, Президентимиз эътиборидан четда эмаслар.

Тadbир сўнггида энг фаол ёшларга Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Самарқанд вилояти Кенгаши ва "Хунарманд" уюшмаси вилоят бўлимининг эсдалик совғалари топширилди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

АНЖУМАН

ХОРАЗМ — ТАМАДДУН БЕШИГИ

ЎЗМТДП ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНДА АНА ШУ ИБОРА БОТ-БОТ ТАҚРОРЛАНДИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Урганч Давлат университети ва Хазорасп туман ҳокимлигида ўтган илмий-амалий анжуманда сўз олган ЎЗМТДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси С.Отамуродов партия ташкилотлари томонидан бу борада амалга оширилаётган ишларга тўхтади.

— Миллий қадрият, аъана ва урф-одатларимизни тиклаш, уни ёш авлод қалбига чуқур сингдириш бугунги кунда олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир, - деди

нотиқ. — Мазкур анжумандан кўзланган мақсад ҳам бу борадаги ишларни янада жонлантириш, партия сайловда Платформасида белгилаган ёшларни буюк ва бетакрор меросимиз билан кенгроқ таништириш, уларни аждодларимиз аъналарини давом эттиришга жалб қилиш каби вазифалар ижросини таъминлашдан иборат. ЎЗМТДП томонидан ўтказилган бу каби тадбирлар ўзининг ибодий самарасини бериши шубҳасиз.

Анжуманда Президентимизнинг «Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам айни Хоразм воҳаси-

да қўйилган. Шу маънода, миллий давлатчилигимиз тарихи Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон, Эрон каби энг қадимий давлатлар билан бир қаторда туради. Хоразм тарихи ўзбек давлатчилигига оид улкан маълумотлар, моддий ва ёзма ёдгорликлар тўплаган тарихни асоси, унинг қудрати ва қадимийлигининг тасдиғидир», деган эътирофлари бот-бот тилга олинди. Шунингдек, тадбирда Хоразмнинг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Хазорасп қалъаси тарихи, Буюк ипақ йўлида жойлашган ушбу шаҳарнинг Хоразм давлатчилиги тараққиётида тутган ўрни ҳақида

батафсил маълумот берилди. Анжуманда сўзга чиққан тарих фанлари доктори, УрДУ профессор М.Матниёзов Хоразм жазон цивилизацияси ўчоқларидан бири эканлигини қайд этиб, шундай деди:

— Муҳтарам Президентимиз Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилей тантаналарида сўзлаган маърузасида Хоразм - жазон цивилизацияси ўчоқларидан бири бўлганлигини, дунё илм-фани тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган оламга машҳур Ал Хоразмий, Ал Беруний, аз Замахшарий, Огаҳий каби кўплаб алломалар таваллуд топгани ва ижод қилгани, Хоразм элида зардуштийлик дини ва унинг «Авесто» китоби вужудга келганлиги, мазкур ҳудудда илк ўзбек давлатчилигига асос солиниши ва Хоразмда қадимги академиялардан бири бўлган Маъмур академияси ташкил топганлигини алоҳида эътироф этдилар. Шундай экан аждодларимиз қолдирган бебаҳо мерос билан фахрланиш баробарида, уларни асраб-авайлаш, келажак авлодларга бус-бутунлигича етказишимиз лозим.

Археолог олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Файрадин Хўҷаниёзов археологик қазилмалар жараёнида топилган бойликлар она заминимиз тарихидан, бо-боларимиз қудратидан далолат беради, деди. Профессорлар М. Матниёзов, М. Маҳмуров, доцент К.Абдиримов, ўлкашунос журналист К.Нуржоновларнинг фикр-мулоҳазалари баҳс ва мунозараларда давом эттирилди. Иштирокчиларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олинди.

Анжуманинг Хазорасп шаҳар ҳокимлигида давом этган қисмида археолог олимлар С.Баратов ва У.Раҳмонов Хазорасп қалъасида олиб борилган ва давом этаётган қазилмаларда топилган ноёб ёдгорликлар, уларнинг аҳамияти, Хазорасп ёшини аниқлашдаги ўрни, Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди Н.Полвонов Хазорасп ша-

ри тарихий демографияси масаласи, тарих фанлари номзоди К.Абдиримов Хазорасп — куёш қалъаси эканлиги, тарихчи олим А.Аҳмедов Хазораспдан етишиб чиққан олимлар, тарих фанлари номзоди К.Худойберганов Хазораспда ўлкашунослик музейини ташкил қилиш масалалари юзасидан фикр-мулоҳаза билдирдилар.

— Шу кунларда қадимий қалъаларимизни таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратаёلمиз, - дейди туман Ал Хоразмий, Ал Беруний, аз Замахшарий, Огаҳий каби кўплаб алломалар таваллуд топгани ва ижод қилгани, Хоразм элида зардуштийлик дини ва унинг «Авесто» китоби вужудга келганлиги, мазкур ҳудудда илк ўзбек давлатчилигига асос солиниши ва Хоразмда қадимги академиялардан бири бўлган Маъмур академияси ташкил топганлигини алоҳида эътироф этдилар. Шундай экан аждодларимиз қолдирган бебаҳо мерос билан фахрланиш баробарида, уларни асраб-авайлаш, келажак авлодларга бус-бутунлигича етказишимиз лозим.

Таъкидлаш жоизки, ЎЗМТДП Хоразм вилояти Кенгаши томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида ўтказилган мазкур анжуман муносабати билан «Антик давр цивилизацияси тараққиётида Хоразмнинг ўрни» деб номланган китоб чоп қилинди.

— Миллий ўзлиқни англаш, миллий давлатчилиқни ривожлантиришга қўмаклашиш Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг устувор максадларидан биридир, - деди ЎЗМТДП Хоразм вилояти Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси в.б. Б.Бобоҷонов. — Бунда она юртимиз тарихини чуқур ўрганиш, уни ёш авлод онгига сингдириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис бутун дунё ҳавас билан ўрганса, ибрат олса арзийдиган кўҳна ва навқирон Хоразм тарихига бағишланган бу тадбир ҳар жиҳатдан фойдали бўлди, деб умид қиламиз.

**Муҳаббат ТўРАБОВА,
ҚАРАМЛИДИН
САИДУЛОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири**

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ

ФАОЛИЯТИДА ТАШАББУСКОРЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

дорчилиқ, галачилиққа ихтисослашган бўлиб, шаҳар аҳлини йил бўйи қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари билан таъминлайди. Маҳсулотларини қайта ишлаб, экспорт қилиш салоҳияти ҳам тобора ортиб бормоқда. Вилоятда тадбиркорликка жиддий эътибор қаратаётган туманлардан бири ҳам Самарқандир. Бу ерда ҳар йили янги-янги ишоналар, қўшма корхоналарни ишга тушириш оdatий тус олган. Фикримизни ўтган йили фойдаланишга топширилган «СамРосХолд» қўшма корхонаси мисолида тасдиқламоқчимиз. Ушбу салқонхона 5 минг тонна маҳсулот сақлаш қувватига эга. Шунга монанд туманда томчилатиб сугориладиган серхосил интенсив боғлар ҳам ташкил этилган ва бундай боғлар йилдан-йилга кенгайтирилиб боришмоқда. Хонадонларда саноат усулида парандачилиқни ташкил этиш бўйича Самарқанд тумани тажрибаси вилоят миқёсда оmmалаштирилган. Тадбиркорлик субъектлари фаолияти бўйича ҳам қувончли рақамларни келтириш мумкин. Жорий йилнинг 4 ойи якунлари бўйича туманда 2164 нафар тадбиркор рўйхатга олинган. Жумладан, шу йил 103 та юридик шахс мақомига эга бўлган корхона рўйхатга олинган. Мазкур ишоналар ҳисобидан 420 та янги иш ўрни яратилган. Давлат рўйхатидан қайта ўтказилган корхоналар иш фаолиятининг кенгайтириш ҳисобидан 539 нафар киши иш билан таъминланган. Бу жараён тўхтовсиз давом этмоқда.

Хўш, туман миқёсда амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ислохотлар жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни ёки улуши қандай бўлаётми? Умуман олганда, кейинги йилларда қайси партия, қандай ишнинг ташаббускори бўлди? Туманнинг ижтимоий, иқтисодий ривожланишига дахлдор бўлган қандай

масалалар дадил кўтарилдиб, ечими ҳақида таклифлар ўртага ташланди?

Бундай саволларга жавоб топиш учун табиийки, бўлиб ўтган халқ депутатлари туман Кенгаши сессиялари кун тартибининг кўздан кечириш, муҳокамага қўйилган масалалар салмоғи ва миқдорини аниқлаш, қайси партия депутатлик гурӯҳи қандай ташаббус билан чиканлигини обдон мушоҳада қилиб кўришга тўғри келади. Бу ҳусусда, аввало, туман ҳокимлигида бўлиб, ташкилий назорат гурӯҳи раҳбари вазифасини бажарувчи Шерзод Тўраев билан суҳбатлашдик. Маълум бўлишича, туман кенгашига ЎзЛи-

сида"ги масала кўтарилган. Ас-лида бу масаланинг муҳокама этилиши, жиддий қарорлар қабул қилинишида бош ташаббускор ЎзЛиДепдан сайланган депутатлик гурӯҳи бўлиши лозим эди. Қолаверса, бу масала бошқа партиялар депутатлик гурӯҳлари учун ҳам бегона эмас.

Партиялар депутатлик гурӯҳлари томонидан ташаббускорлик етишмаётганини халқ депутатлари туман кенгашининг ет-тирилган сессиясида ижро ва ҳисобот тарихида атиги иккита масала кўрилганидан ҳам билса бўлади. Кенгашининг саккизинчи сессиясида эса атиги битта — «Туманда сув танқислигининг ол-

ри, Жомбой ва Пастдаргом туманлари билан чегарадош ҳудудларнинг экологик ҳолатига таъсир ўтказмоқда. Лекин шу пайтгача на ижроия ҳокимияти, на туман сардари ташкилот ёки на партия депутатлик гурӯҳлари томонидан чикиндиларни қайта ишлаш ва зарарсизлаштириш бўйича аниқ режа ёки чора-тадбир ишлаб чиқилмаган. Зеро, мамлакат миқёсда табиати аслича сақлаш, экологик мусаффолик учун сый-ҳаракат давом этаётган, унинг қонуний асослари тақомиллаштирилган бир пайтда Самарқанд шаҳри тегра-сидида ҳолат депутатлик гурӯҳлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Муҳтарам Юртбошимиз раҳна-молигида жамиятда хотин-қизлар мавқеини янада юксалтириш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва баркамол авлодни вояга етказиш, она ва бола соғлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таъкидлаш жоизки, давлатимиз бу бора-

Президентимиз, қолаверса, бугунги давр ва шароит сиёсий партиялар ва улардан сайланган халқ депутатлари олдига улкан вазифаларни қўймоқда. Бу эса улардан ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, жойларда амалдаги қонун, фармон ва қарорлар ижросини мунтазам назорат қилишда ташаббускорлик ва фидойилиқни талаб этади.

деПдан 12 нафар, ЎзХДПдан 11 нафар, «Адолат» СДПдан 4 нафар, ЎЗМТДПдан 3 нафар депутат сайланган ва тўрттала партиянинг ҳам депутатлик гурӯҳлари тузилган. Ўтган даврда кенгашнинг 8 маротаба сессияси бўлиб ўтган ва уларда 42 та масала кўрилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган. Ажабланарлиси, муҳокама қилинган масалаларнинг би-рортаси ҳам сессия кун тартибига депутатлик гурӯҳлари ташаббуси билан олиб чиқилмаган. Масалан, халқ депутатлари туман кенгашининг учинчи сессиясида «Туманда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш, саноат корхоналарида касаначилиқни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва бунда туман кенгаши депутатларининг роли ва масъулияти тўғри-

дини олишга қаратилган чоралар тадбирлар тўғрисида"ги масала муҳокама этилган. Ваҳоланки, сессияда кўтарилиши ва қўрилиши муҳим бўлган масалалар йўқ эмас. Масалан, туманда 15 та корхона ихтиёрий равишда, 27 та яққа тартибдаги тадбиркор турли сабабларга қўра ўз фаолиятини тўхтатган. 206 та яққа тартибдаги тадбиркорлик фаолияти вақтинчалик тўхтатилган. Лекин унинг сабаб ва оқибатларини ҳеч қайси депутатлик гурӯҳи ўрганмаган ёки туман кенгаши сессиясига масала сифатида киритмаган.

Туман Самарқанд шаҳри атрофида халқасимон тартибда жойлашганлиги учун шаҳардан чиқарилаётган маийши чикиндилар унга тегишли бўлган ҳудудда тўпланган. Бу ҳолат Зарафшон дарёси, Даргом канали соҳилла-

да изчил ва кенг кўламли тадбирларни амалга оширмоқда. Ана шундай имкониятларга қарамасдан Самарқанд туманида оилавий ажрим 2011 йилнинг биринчи чора-ғида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 54 тага кўпайганлиги қайд этилган. Лекин туман кенгашидаги ҳеч қайси сиёсий партия депутатлик гурӯҳи бу масалага эътибор қаратгани йўқ.

Президентимиз, қолаверса, бугунги давр ва шароит сиёсий партиялар ва улардан сайланган халқ депутатлари олдига улкан вазифаларни қўймоқда. Бу эса улардан ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, жойларда амалдаги қонун, фармон ва қарорлар ижросини мунтазам назорат қилишда ташаббускорлик ва фидойилиқни талаб этади.

**Ориф ХОЛИКУЛОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири**

168 СОАТ: ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

ТАДБИРЛАР МОҲИЯТИ

ПАРТИЯ ДАСТУРИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИГА ҚАРАТИЛДИ

ҚОРАҚАЛПОФИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ЎЗМТДП Қўнғирот туман Кенгаши томонидан «Оилавий муносабатларда миллий урф-одат ва аъналарнинг қўлланиши» мавзусида тадбир ўтказилди. Унда ЎЗМТДП туман Кенгаши аъзолари, партия «Аёллар қаноти» ва «Ёшлар қаноти» фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Йиғилиш мамлакатимиз хотин-қизларининг жамиятдаги ўрни ва ролин янада ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уй бекаларини миллий хунармандчилик, касаначилиққа жалб этишга қўмаклашиш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда оила мустаҳкамлиги ва уни ривожлантиришга қаратилган эътибор, ёш оилаларни тиббий кўриқдан ўтказишга алоҳида аҳамият берилётгани, фарзанд тарбиясида миллий қадрият, аъана ва урф-одатларимизнинг ўрни ва роли нақадар муҳимлиги эътироф этилди.

АНДИЖОН

Андижон шаҳридаги «Болалар шаҳарча»сида ЎЗМТДП Андижон вилояти Кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан «Ёшлар эртанинг эгаларидир» мавзусида маданий тадбир ўтказилди. Унда ЎЗМТДП вилоят Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши депутати К.Отанонов, Ўзбекистон халқ артисти О.Назарбеков, Андижон шаҳар «Нуроний» жамғармаси раиси Т.Раҳматжонов, вилоят Кенгаши Ижроия қўмитаси девони ходимлари иштирок этди.

Тадбирни ЎЗМТДП вилоят Кенгаши раиси К.Отанонов очар экан, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида эртанинг эгаларининг баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун шарт-шароитлар яратиш, ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, жамият тараққиётига тўсиқ бўладиган турли хил ғоявий таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларни миллий қадрият, аъана ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш лозимлигига эътибор қаратди.

Ўзбекистон халқ артисти, ЎЗМТДП аъзоси О.Назарбековнинг она Ватанга муҳаббатни тараннум этувчи қўшиқлари ва шаҳарча болаларининг миллий урф-одатларимизни ўзда акс эттирган бадий қишшлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

СИРДАРЁ

ЎЗМТДП Сирдарё вилояти Кенгаши, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Сирдарё Минтақавий ахборот таҳлил маркази бўлими билан ҳамкорликда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мавзусидаги маърузаси мазмун-моҳиятини ОАВ ходимлари ўртасида ўрганиш ва партия матбуот хизмати фаолиятини самарали ташкил этишнинг долзарб вазифалари» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Унда вилоят Кенгаши аъзолари, партиядан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар, «Ёшлар қаноти» фаоллари, вилоят ижодкорлари иштирок этди.

Ўқув-семинарда журналистларнинг касбий маҳоратини ошириш, партия матбуотининг таъсирчанлигини таъминлаш борасидаги вазифалар атрофича муҳокама этилди.

НАМАНГАН

Юртимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида кенг камровли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, улар мамлакатимизнинг эртанинг истиқболини белгилайди. Шу нуқтаи-назардан олиб қараганда истиқболимиз ва истиқболимизнинг эртанинг эгалари бўлиши ёш авлодга гамхўрлик қўрсатиш, уларни ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод сифатида камол топтириш учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

ЎЗМТДП Наманган вилояти Кенгаши томонидан ташкил этилган тадбир ҳам болажонларга кўрсатилаётган гамхўрлик ва эътиборнинг яққол намунасига айланди. Зеро, бугун она Ватан бағрида камол топаётган фарзандларимиз чехрасида мамлакатимизнинг кейинги истиқболини аниқ тасавур этамиз. Шу боис ҳам уларнинг кулгусидан, шўх-шодон қўғирасидан бахри дилимиз очилиб, қувончга тўлишимиз табиий.

Биз болани ҳаётимиз қувончи, эртаниг кунимизнинг умиди, деб атаймиз, - дейди Янгиқўрғон туманидаги 19-сонли мактаб-гача таълим муассасаси мудираси Дилобар Бурхонова. - Уларни суйиб эркалаймиз, шу билан бирга меҳр қўрсатамиз. Бугун мамлакатимизда болажонларнинг ўқиб-ўрганиши, ўзи севган касбини эгаллаши, истаган спорт тури билан шуғулланиши учун барча имкониятлар етарли. Бу ҳам бўлса, эртаниг кунимиз эгаларини баркамол авлод сифатида камол топтириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар кўламинан далолатдир.

Тадбир якунида мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган бир гуруҳ болажонларга, ҳам таъминланган оила фарзандларига совға-саломлар улашилди.

СУРХОНДАРЁ

ЎЗМТДП Сурхондарё вилояти Кенгаши томонидан «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партиялар: Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси тизимида кадрлар билан ишлаш» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Унда ЎЗМТДП Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Марказий Кенгаши аъзолари, вилоят Кенгаши девони ходимлари, партиянинг туман ва шаҳар Кенгашлари раислари, ЎЗМТДПдан сайланган халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари Юртбошимиз тақдим этган Концепцияда кучли фуқаролик жамиятини барпо қилишда сиёсий партиялар олдида масъулиятли вазифалар юклагани, партия кадрлар захирасини билимли, ватанпарвар ва ташаббускор ёшлар билан кенгайтириш зарурати юзага келганлигини алоҳида эътироф этдилар.

Ўқув-семинарда ЎЗМТДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари Э.Юсупов, Ж.Отанонов, У.Жалмевнинг маърузалари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ўз мухбиримиз



ҲУРМАТЛИ ПАРТИЯДОШЛАР!

2011 йилнинг

иккинчи ярим йиллиги учун обуна бўлишга шошилинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

● МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ИСТИҚЛОЛДАН БАХТ ТОПГАН ҚИЗЛАР

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Тадбирдан қўзланган асосий мақсад совриндор қизларнинг фаолияти ва ютуқларини кенг тарғиб этиш, уларнинг ибрат бўладиган қирраларини намойиш этиш ва рағбатлантириш, яратилган шарт-шароитлар натижа-сида сафи кенгайиб бораётган ёш спортчи қизларнинг аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдаги ролини кучайтиришдир.

ФАХР-ИФТИХОР ТУЙҒУСИ

168 нафар Зулфия мукофоти совриндорлари орасида тасвирий санъат, халқ амалий санъати йўналишида ижод қилаётган қизлар билан бир қаторда спортчи қизлар ҳам талайгина. Мазкур кўргазмада қатнашган 10 нафар спортчи қизларнинг сафида Муниса Соноқулваннинг ҳам ютуқлари кишини бефарқ қолдирмайди. У ҳозирда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг биринчи босқич талабаси бўлиш билан бирга ёшлар ўртасида 9 қарра Ўзбекистон чемпиони бўлишга улгурган. Муниса Ўзбекистон Миллий каратэ федерацияси аъзоси. У Самарқанд шаҳридаги 6-мехрибонлик уйда «Каратэ» тўғрагини ташкил этиб, 17 нафар шогирд тайёрлаган.

— Ўзбекистон фарзанди эканлигимдан фахрланаман, - дейди Муниса Соноқуллова. — Юртимизда спорт соҳасига, айниқса, ёшларга ниҳоятда катта ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Келгусида биз ана шу эътибор ва эъзозни қадрлаган ҳолда ёшларга ўрнатилган лозим. Негаки, бизнинг ютуқларимиз келажакда яна ҳам катта масъулиятни зиммамизга юклайди. Мен ҳам шу масъулиятни ҳис қилган ҳолда келажакда етук журналист бўлиб, аёллар спортини кенг тарғиб этишни мақсад қилганман.

МАШРИҚ ЗАМИН МАЛИКАСИ

Зулфия номидида давлат мукофотининг яна бир совриндори

Зумрадхон Тазетдинова Шотокан каратэ-до тури бўйича бир неча марта Ўзбекистон чемпиони, “Машриқ замин маликаси — 2007” республика кўрик-танлоо-вида “Энг назокатли иштирокчи” номинацияси ғолиби бўлган. Шотокан каратэ-до бўйича 2008 йилнинг август ойида Токио шаҳрида бўлиб ўтган VIII жаҳон чемпионатида биринчи ўринни, октябрь ойида эса Бухарест шаҳрида ўтказилган VI Европа очиқ чемпионатида иккинчи ўринни кўлга киритган. 2008 йили Шарқ яққурашлари маркази ва жанг санъати бўйича IV республика фестивалида “Йилнинг энг яхши аёл спортчиси” номинацияси ғолиби бўлган.

Зумрад билан суҳбатлашганимизда, у акаси эргашиб спортга меҳр қўйгани ва шу сабабли бир қанча ютуқларга эришиб, ўзга давлатларда Ўзбекистон байроғини кўкка кўтариш насиб этганидан хурсандлигини мамнуният билан айтди. Шунингдек, келажакда у мураббийлик қилиб ёш авлодни, айниқса, қизларни спортга жалб этишни мақсад қилганини таъкидлади. У ҳозирги кунда Тошкент Ахборот технологиялари университетининг иккинчи босқич талабаси.

ЙИГИТЛАРНИ ДОҒДА ҚОЛДИРИБ...

Яна бир спортчи қизимиз Юлдуз Хамрақулваннинг ютуқларини санаб адоғига етиш қийин. Юлдуз ёш бўлишига қарамай шахмат бўйича 12 қарра Ўзбекистон чемпиони, Халқаро тоифадаги спорт устаси бўлиб, у 2005 йилда “Шухрат” медали билан мукофотланган. Ўзбекистон миллий терма жамоа аъзоси. Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этиб, 2 марта бронза медалини кўлга киритган. Бундан ташқари, жорий йилда эркаклар ва аёллар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида иштирок этган Юлдуз аёллар ўртасида биринчи ўринни эгаллади.

— Спорт менга кўп нарса берди, - дейди Юлдуз Хамрақуллова. — Ҳозирда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети магистратура йўналишининг биринчи босқич талабаси.

тура йўналишининг биринчи босқич талабаси бўлсам-да, келажакимни шахматсиз тасаввур эта олмайдман. Шахмат ҳар бир соҳага керакли бўлган ақл машқи бўлиб, у мияни чарқлайди, дунё-қарашни кенгайтиради. Келажакда энди иккинчи эмас, жаҳон чемпионатларида фақат биринчиликни кўлга киритиб, Ўзбекистон аталмиш диёримизни, унинг ақли ва доно қизларини дунёга танитишда ҳиссамни қўшишни мақсад қилганман.


НАЗОКАТ ВА ЖОЗИБА СОҲИБАСИ

Совриндорлар қаторидаги энг ёш қизимиз Хусниябону Фуломова бадий гимнастика бўйича спорт усталигига номзод. У 2008 йилда Голландияда бўлиб ўтган халқаро турнир ғолиби, 2009 йилда Германияда ўтказилган Халқаро мусобақада бронза медали, 2010 йил Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида олтин медали совриндори бўлган. Спортнинг нафис ва нозик тури бўлган бадий гимнастика қизларни яна ҳам назокатли ва жозибали қилиб тарбиялашга Хусниябонунинг маъноли кўзларини бетакрор табассуми яққол далил бўла олади. Унинг менталитетимизга хос бўлган нозик қарашмасию муомаласи ҳам бу спортнинг қизларга нечоғлиқ зарур эканлигини кўрсатади. Машаққатли меҳнат, кучли ирода талаб этадиган спорт турини танлаган Хусниябону ҳам келажакда юртимиз байроғини янада кўкка кўтаришга аҳд қилганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, ёш қизларимизнинг Зулфия номли Давлат мукофотига сазовор бўлаётгани ҳаммамиз учун фахрли. Бугун юртимиз фарзандлари ҳар қачонгидан ҳам эркин, мустақил фикрлай оладиган, маънавий етук бўлиб улгайишмоқда. Уларнинг ютуқлари кейинги авлодларга ҳам ўрнатилган, келажакимиз эгаларини камолотга етаклаши шубҳасиздир.

М.ХУДАЙБЕРГАНОВА
“Milly tiklanish” мухбири

Қашқадарё вилоят хотин-қизлар кўмитаси томонидан ўтказилган «Илм гулшанининг сара юлдузлари — 2011» кўрик-танловининг ғолибаси — Малика замонавий ахборот технологиялари имкониятларини чуқур ўзлаштираётган салоҳиятли ёшлардан. У Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарини веб-сайт яратиб, ёшларни четдан кириб келаятган турли мафкуравий ғоя ва таъсирлардан ҳимоя қилиш ишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.



● ЖАРАЁН

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўз олдида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилиб қўйди. Мазкур мақсадга эришиш жараёнида босқичма-босқич фуқаролик жамиятининг таркибий институтларини, хусусан, унинг муҳим бўғини ҳисобланган жамоат ташкилотларини жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини мустаҳкамлаш ва ошириш борасида туб ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Зеро, ислоҳотлар кўп қиррали ва узок давом этадиган жараён бўлиб, унда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ҳамда демократиянинг қай даражада эканлигига боғлиқ, шу жиҳатдан, уни шакллантиришда муайян ижтимоий институтларга, хусусан, жамоат ташкилотларига муҳим ўрин берилди.

Шу мақсадда, мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамоат ташкилотларининг фаолияти тартибга солишга қаратилган ва халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда демократик талабларга жавоб берадиган қонунчилик тизими яратилган бўлиб, давлатимиз томонидан бу соҳадаги олиб борилаётган сиёсат Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган фуқароларнинг касба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюштирилган ҳуқуқларини изчил ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлашга қаратилган.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Конституцияимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда қўлай шароит яратди. Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар кўпдир. Фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалалар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади. Булар қаторида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний” жамғармалари, “Ижод” фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси

ланган тизими жамиятда манфаатлар уйғунлигини қарор топтиради ва мустаҳкамлайди.

Маълумки, ҳар қандай ташкилий тузилманинг моҳияти, мазмуни ва мақсади у олиб борадиган функция ва фаолият йўналишларида ифодланади. Шу жумладан, фуқаролик жамияти институтларининг функциялари ҳам уларнинг жамият ҳаётига нисбатан муайян фаолиятни амалга оширишлари орқали таъсир кўрсатишларида намоён бўлади.

Фуқаролик жамияти институтларининг демократик ислоҳотлар самараси ва давомийлигини таъминлаш борасидаги фаолияти аввало давлат ҳокимияти органлари фаолияти услитдан жамоатчилик назоратини амалга ошириш эканлигини эътироф этиш жоиз. Айтиш мумкинки, жамоат ташкилотларининг роли айнан демократик жараёнларнинг ривожланиш даврида уни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашда кўринади.

Мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва ислоҳ қилиш жараёнида, айниқса, сиёсий партиялар муҳим функцияларини амалга оширадиган. Сиёсий партияларнинг асосий функцияси алоҳида олинган фуқаролар, ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфаатларини бирлаштириб, уларни сиёсий манфаатлар мажмуаси даражасига кўтариш, шунингдек, бу уйғунлашган манфаатларнинг жамият учун бир хилда аҳамият касб этишини таъминлай олишдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар мавжуд конституциявий ҳуқуқ меъёрлари доирасида, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қилмаган ҳолда шаклланиб келаятган сиёсий жараёнлар ва муносабатлар таомиллари доирасида муқобил сиёсий йўللари ифода этувчи восита сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Умуман, ҳар бир партиянинг ўз дастури ва мақсадларида мос равишда назоратчилик маданий ва миллий дунёқарашини юксалтириш, миллий ғоя ва миллий истиқлол мафқурасини жорий этишда улар имкониятларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Фуқаролик жамияти институтлари жамият аҳамиятига молик масалаларни ҳаётга татбиқ этишда давлатнинг тенг ҳуқуқли ижтимоий ҳамқори ҳисобланади, қолаверса, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ривож-

ри фақат меҳнат муносабатлари билан чегараланиб қолмасдан, балки ундан ҳам кенгроқ доирага қаратилган.

Мамлакатимизда ижтимоий воқеликнинг жадал суръатларда ривожланиб бориши, жамиятда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар фуқаролик жамиятини асосий институтларини янги функциялари шаклланишига олиб келмоқда. Ҳозирги кунда деярли барча жамоат ташкилотлари мамлакатни демократик йўналишда ривожлантириш, муайян соҳалар юзасидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан самарали назорат ўрнатиш каби масалаларга ўзларининг асосий фаолият йўналишлари сифатида қарамокдалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳақи равишда эътироф этганидек: “Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда қилиши мумкин бўлган ислоҳотларнинг муҳим омиллиги ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омиллиги айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда”.

Фуқаролик жамияти институтлари бирлашган фуқаролар улар орқали ўзларининг турли хил манфаатлари ва ҳуқуқларини амалга оширишни қўлай дилар. Бундай шароитда фуқаролик жамияти институтлари олдида фуқароларнинг давлат ишларини амалга оширишда иштирокларини таъминлаш ҳамда уларнинг мавжуд қонунчиликка нисбатан ижобий муносабатларини шакллантириш ва шу орқали уларда инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш каби янги вазифалар қўйилмоқда.

Зеро, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришдан асосий мақсад инсон ҳаётини муҳофаза қилиш, унинг мақсадлари, манфаатларини муайян ташкилотлар, ижтимоий институтлар, гуруҳлар, оила ва бошқа бирлашмалар орқали амалга оширишдир.

Ш.САЙДУЛЛАЕВ,
Тошкент Давлат
юридик институти
ўқитувчиси

● БУГУН

САЙЛОВ — ДЕМОКРАТИЯ ОМИЛИ

АЙНИ ПАЙТДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ РАИСЛАРИ (ОҚСОҚОЛЛАРИ) ВА УЛАРНИНГ МАСЛАХАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ ЮРТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА УЛКАН АҲАМИЯТГА МОЛИК МУҲИМ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАДБИР СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

Демократик ҳуқуқий давлатни сайловларсиз тасаввур қилиш қийин. Сайловлар воситасида давлат ҳокимияти ва маҳаллий вакиллик органлари шаклланади, жамиятда сиёсий партияларнинг ҳокимият учун курашида сайлов институти асосий демократик кураш воситаси бўлади.

Демократиянинг асосини ташкил этувчи халқ ҳокимиятичилиги мамлакатимизда давлат ҳокимиятини эркин ва демократик сайловлар ўтказиш йўли билан халқнинг иродасини шакллантиришни шарт этиб қўйди. Юртимизда ўтказилаётган барча сайловлар халқ иродасига таянган ҳолда, демократик меъёр ва андозаларга мос равишда ташкил этилмоқда. Муҳтарам Юртбошимиз мамлакатимиздаги эркин сайловлар, уларнинг демократик жамият барпо этишдаги аҳамиятига алоҳида тўхталар экан: “Модомики биз демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш каби эзгу мақсад сари интилаётган эканмиз, демократиянинг бош талаби бўлиши эркин сайловларни муносиб ташкил қилиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз” деган эди. Дарҳақиқат, барча демократик давлатларда

бўлгани каби мамлакатимизда ҳам сайловлар халқ суверенитетини амалга оширишнинг асосий механизмига айланган.

Сайловлар энг аввало, фуқароларга ўз ҳуқуқ ва манфаатларини қўллаб-қувватлашга, буларнинг барчасини амалда кўришга муваффақ бўлади. Хуллас, ҳамма нарса сайлов пайтида маълум бўлади. Қайси партия кимни ўз ғояларига ишонтира олгани, кимнинг манфаатларини ифода этгани, шу билан бир-

га кимнинг уларга эргашаятгани, кимлар ишонч билдиргани фақат сайлов натижаларига кўра аён бўлади”.

Айни пайтда давом этаётган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ҳам юртимиздаги демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш ва ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этишда улкан аҳамиятга молик муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир сифатида эътироф этилмоқда. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун асосида ўтказилаётган ушбу сайлов жараёнида юртдошларимиз фаол қатнашмоқдалар. Сайловлар қонунчилик талаблари ва демократия тамойиллари асосида ошқорча, холисона фикрлар алмашинуви асосида ўтказилмоқда. Халқ ишончлигини қозongan, эл-юрт хурматидаги энг муносиб номзодлар оқсоқол ҳамда маҳалла оқсоқолнинг маслаҳатчиси вазифаларига сайланмоқда.


Ҳадича АСЛАНОВА,
Ховос туманидаги 1-сон
ФХДЭ бўлими мудираси



МАЪНАВИЯТ

СЕРФАЙЗ ГУЛШАН

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий минг йилдан зиёд тарихга эга бўлган адабиётимиздаги худдионайлик анъанасининг забардаст вақили ҳам ҳисобланади. Зероки, шоир ёшлигидан тортиб умрининг охиригача ўзбек тилида шоҳ асарлар яратиш билан бирга, форсий тилда ҳам беҳатмол газаллар, қасидаю рубоий, қитъалар ижод қилди, мухтараъ, луғазлар, жуда кўп муаммолар битди. Беназир санъаткор ўзининг ижтимоий-фалсафий, исломий-маърифий, илоҳий руҳдаги туркум қасидалари, “Фусули арбаъа”, “Ситта зарурия”ларни айнан форсий тилда ёзди ва бу билан ўзининг форс-тожик адабиётдаги даҳо қасиданавислардан кам эмаслигини тасдиқлаб қўйди.



ЗАКОВАТЛИ ЁШЛАР ТАНЛОВИ

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган «Келажак овози» анъанавий кўрик-танлови ёш иқтидор эгаларининг орзу-интилишларини рубога чиқаришга хизмат қилмоқда. Наманган шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб ўтган мазкур танловнинг вилоят босқичида 6 мингдан зиёд йигит-қизлар ораси-

дан сараланган 400 нафарга яқин иштирокчи интеллектуал салоҳиятини, қобилиятини намоий этди. Архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник инновациялар, миллий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика номинациялари бўйича ғолибликни қўлга киритган заковатли ёшлар нуфузли танловнинг республика босқичига йўланма олди.

ДАВРА СУХБАТИ

Аждодлар кечмишини ўрганишда музейларнинг ўрни алоҳида. Зеро, музейдаги ҳар бир экспонат мозийдан ҳикоя қилади, Ватан ва миллат тарихидан шаҳодат беради. Шу боис музейларсиз авлодларда тарихий хотира туйғусини тарбиялаш мушкул. Миллий мустақилликнинг дастлабки куллариданоқ музейлар фаолиятига алоҳида эътибор кўрсатилаётгани сабаби ҳам шунда. Муҳтарам Президентимизнинг 1998 йил 12 январда имзолаган “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ютуқларнинг қафолати бўлиб келаятганини таъкидлаш керак.

Маълумки, мазкур Фармондан Ўзбекистон худудидики қадимдан шаклланган музейлар тизимини янада такомиллаштириш, музей фондларида сақланиб келинаётган халқимизнинг бой тарихини, мустақилликнинг одимларини акс эттирувчи ноёб, нодир экспонатларни авайлаб асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимизнинг онгида миллий гурур ва ифтихор, истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш, музейларни замон талабларига мос юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳи-

да эътибор қаратилган. Фармоннинг нечоғлик катта самаралар бергани аён.

Бугунги кунда мамлакатимизда турли вазирликлар ва муассасалар таркибидики 1200 дан ортиқ музей фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг энг йириклари пойтахтимизда жойлашган. Улар, муҳтарам Юртбошимиз таъбири билан айтилганда, халқ тарихининг кўзгусидир. Бу музейларни томоша қилган ёшлар мозий бўлади. Музейларда ҳар ойда “Очқич эшиклар кунини” ўтказиши расм бўлгани, шу кунини ўқувчилар, талабалар ва бошқа меҳмонларга бепул хиз-

мат кўрсатилиши қувонарли натижаларни бермоқда. “Барҳаёт сиймолар”, “Истиқлол, маънавият ва музей” мавзуларида ўтказилаётган адабий кечалар, маърифий тадбирлар ёшларнинг музейларга бўлган қизиқишининг кучайишига сабаб бўлаётди.

Яқинда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика институтидики Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлари ва уларга тегишли ҳуқуқ-тартибот органлари бўлим бошлиқлари иштирокида ўтказилган “Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт гаровидир” мавзусидаги давра суҳбатидики ҳам таълим сифати ва самарадорлигини оширишда музейларнинг ўрни катта экани хусусидики сўз борди. Давра суҳбатини қириш сўзи билан очган университет ректори, сенатор Фафуржон Муҳамедов бу борада олиб борилаётган ишларнинг маънавий-маърифий соҳадаги ислохотлар ютуқини таъминлашдаги ўрнига ургу берди. Университетдаги музейлар фаолияти ҳақида сўз юритди. “Миллий университет тарихи” ва “Нодир

кўлёмалар” музейларининг юқори малакали мутахассисларини, маънавияти юксак, баркамол авлодни тарбиялашдаги бебаҳо ўрни хусусидики тўхталди.

— Бу икки музей мамлакатимизда замонавий олий таълим тизимининг тараққиёт боқичларини кўрсатувчи ўзига хос кўзгудир, - деди Олий педагогика институтидики директор, тарих фанлари доктори, профессор Шамсиддин Шаропов. — Бизнинг институтимиз билан бир бинода жойлашгани учун ҳам республика миқдосидаги барча олий таълим муассасаларидики малака оширишга келган профессор-ўқитувчилар бу музейлар билан яқиндан танишадилар. Улар бу музейларнинг миллий таълим тарихиники ёритишдаги ва буюк аждодлардан мерос илм-фан ютуқлариники ўзлаштиришдаги аҳамиятини ташриҳ қиладилар, жамият маънавиятини юксалтиришдаги ўрнини эътироф этадилар. Зеро, бу музейлар билан танишувчи тарихий хотирани кучайтиради, ёш авлод онги ва тафаккурида кимларнинг, қандай буюк сиймоларнинг вори-си, давомчиси экани ҳақидаги

ифтихор туйғусиники шакллантиради.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг бош олий ўқув юрти — Ўзбекистон Миллий университети ташкил этилиши тарихиники ўзидики мужассам этган “Миллий университет тарихи” музейидики ноёб экспонатлар халқимизнинг илм-маърифат зиёсиники ўзидики мужассам этгани билан алоҳидики ажралиб туради. Ўтган аср аввалида, университет ташкил этилган кезлариёқ китобсевар халқимиз қўлида сақланаётган нодир кўлёмалар ва тошбосма манбаларнинг жамлангани беқиёс иш бўлган. Университет олимлари бу бебаҳо хазина асосидики “Нодир кўлёмалар музейи”ни таъсис этгани таҳсинга лойиқдир. Ушбу кўлёмалардан таълим тизимидики кенг фойдаланилаётгани етук мутахассислар тайёрлашда беқиёс аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Бу эса халқ тарихининг кўзгуси саналган музейларнинг нурилик истикболга ҳам муносиб хизмат қилишидан далолат беради.

Гулбахор МАХМУДОВА,
ЎЗМУ Ўзбек филологияси факультети катта ўқитувчиси

ФОЛЬКЛОР

Маълумки, бир халқнинг иккинчи халқ билан чинакам танишуви унинг ўзидики хос маънавий-руҳий маданиятини англашдан бошланади. Осий марказидики яшовчи туркий халқларнинг сўз санъати жуда қадимдан бир-бирига таъсир ўтказиб келган. Бу жараёнда, айниқса, бадий таржиманинги ўрни муҳим. Шу боис, уни илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш таржимашунослик учун алоҳидики аҳамият касб этади.

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

ЁХУД “ҚИРҚ ҚИЗ” ЭПОСИНING БАДИЙ ТАЛҚИНИ

Хусусан, Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимидики яшайдиган қорақалпоқ халқи тарихан Марказий Осий ва унга ёндаш минтақа халқлари билан доимий мустаҳкам алоқадики бўлиб келган. Ўз навбатида бу минтақа халқларига хос халқ оғзаки ижоди намуналарининг таржимашунослик тарихи ва маданиятига ҳам таъсир кўрсатган. Масалан, қорақалпоқ халқининг машҳур «Қирқ қиз» эпоси ўз даврида ўзбек, қозоқ ва туркман тилларига таржима қилинган.

Этногенетика жараёнлар билан қучли боғланган «Қирқ қиз» эпоси қорақалпоқ халқининг афсона, эртак ва ривоятлари,

турмуш тарзи, урф-одати, минтақага хос хусусиятлариники акс эттирган мустақил эпос саналади.

XX асрнинг 50-60 йилларида «Қирқ қиз» эпосиники Уйғун ва Миртемир ўзбек тилига, 1958 йилда туркман таржимон олими Қ.Сейдурадов туркман тилига, шунингдек, 1970 йилда қозоқ шоирлари А.Ергалиев, С.Мауленов ва А.Шалабаевлар қозоқ тилига таржима қилдилар.

Таниқли қорақалпоқ фольклоршуноси олими, филология фанлари доктори, профессор Қ.Айиббетов қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди намуналариники йиғиши, тадқиқ қилишда алоҳи-

да жонбозлик кўрсатган эди. У қорақалпоқ фольклори ҳақида шундай деган эди: «Қорақалпоқ халқи турли тарихий сабабларга кўра ўз уй-жойи, яйловлариники ташлаб, бир жойдан иккинчи жойга бир неча бор кўчиб, ватани, ер-суви, тирличилиги учун зарур нарсаларидан айрилса ҳам, қайғули дамларда юпанчи, гамил онлардаги илҳом билан асар авлоддан-авлодга қадимий кўлаш орқали сақлаб қолган».

Дарҳақиқат, қорақалпоқ халқининг ўй-фикрлари, ҳис-туйғулариники ўзидики акс эттирган олган бу асар авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиб келаяпти. Амударё ва Сирдарё

бўйларидики яшаган қорақалпоқлар қардош халқлар билан доимий мустаҳкам алоқадики бўлиб келишган. Бундай ҳамкорлик ўз навбатида ўша халқларнинг маданиятига ҳам таъсир кўрсатган.

Шуни алоҳидики таъкидлаш жоизки, «Қирқ қиз» достони композицияси жиҳатидики анъанавийлик доирасидани қичмайди. Бу ҳол қуйидики анъанавий мотивларда кўзга ташланади: бекфарзанд отанинги фарзанд тилаши, йигитнинг ғайритабиий равишда воёга етиши, унинг қиз излаб йўлга чиқиши, йўлда турли қийинчиликларга дучор бўлиши, ҳомий кишининг ёрдамга келиши, йигитнинг қурашда қаҳрамонлик кўрсатиши, яккама-якка жангда иштирок этиши, барча ҳаракатларда ғолиб қилиши ва севгилиси билан муродо мақсадига етиши ва ҳоказо.

Бундай анъанавий мотивлар қаҳрамонларнинг индивидуал қиёфага эга оригинал образлар эканлигиники инкор этмайди. Ғоий мазмун теранлиги ва бадий юксаклик достоннинг қимматиники белгилувчи асосий хусусиятлардан биридир. Достонда тўй-базмлар, удум ва урф-одат, турли маросимларга ҳам кенг ўрин бери-

лади. Инсонга хос энг нозик ички кечинмалар: орзу-армонлар, қувончи ва қайғули онлар, тахликали даврдаги руҳий ҳолатлар чуқур психологик таҳлил қилинади.

Хулоса шуки, туркий халқлар эпосларининг ўзаро муштарак ва айрича томонлариники ўрганиш таржима амалиётига бевосита дахлдор масаладир. Бу ҳақда биргина мақола орқали сўз юритиш ниҳоятда мушкул. Зеро, қардош тиллардаги эпос таржимасики муаммолар, таржиманинги бадий тили, услуби, образларга хос турғун белгилар, уларнинг поэтик олами, тасвир воситаларининг берилиши, сюжет ва композициянинг мукаммал сақланиши, анъанавий мотивларнинг ифодаланиши, персонажлар талқинидики ишонч-эътиқоннинг акс этиши, миллий-тарихий колоритнинг қайта яратилиши, эпик баён усули ва контекстуал ёндашув тамойиллари сингари масалалар кенг қўламли тадқиқотларни талаб қилади.

Илья ДИЛЬМАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

Гарчи ўтган асрнинг 40-50-йилларида машҳур олимлар Садриддин Айний, Евгений Эдуардович Бертельс ҳамда Ҳакимжон Ҳомидий “Девони Фоний” ҳақида тадқиқотлар яратиб, муайян хулосаларга келишган бўлсалар-да, ҳали девоннинг тугал нусхасики қўлга киритилмаган эди. Бу муҳим ишни замонамиз алломасики, миллат фидойиси Ҳамид Сулаймон бажардилар. Устоз полиграфик сафар жараёнида Париж миллий кутубхонасидани “Девони Фоний”нинг мукаммал нусхасиники келтириб, Навоийнинг 15 жилдик “Танланган асарлари” да нашр эттирдилар. Кейинчалик девон шоир асарларининг йиғирма жилдликига ҳам киритилди.

Шоир “Ҳазойин ул-маоний” девонига тартиб бергандани сўнги, умр бўйи форсий тилда яратган шеърлариники тўплаб “Девони Фоний”ни тузатди. Унга лирик турнинг барча жанридаги шеърлари билан бирга 266 та муаммо, 72 тадан қитъа ва рубоий, чистон (луғз) ва тарихларни киритди. “Девони Фоний”да 10 та қасида, 554 та газал, 1 мусаддас, 1 марсия, 72 та қитъа, 72 та рубоий, 16 та тарих, 373 та муаммо, 9 та луғз сингари шеърлар жамланган. Улар 6200 байтдан зиёддир. Газалларнинг аксариятиники Ҳўжа Ҳофиз, Камол Ҳўжаидий, Саъдий Шерозий, Хисрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий сингари форс-тожик адабиёти даҳолари шеърларига татабулар ташкил қилади. Уларда шоир форсий тилдаги газалсароликда ҳам ўз ўрни ва мавқеи бор эканлигиники мавзу талқини, бадийликда аниқ намоийш эти олган. Улар мавзу доирасики жиҳатдан ҳам, образлар тизиминики нуқтаи назаридан ҳам кенг қамровли ва ранг-барангдир. Бу шеърлариники кузатган китобхон бир-икки байтда ҳам шоир замон билан, замондошлариники турмуш тарзи билан, лирик қаҳрамон руҳияти билан боғлиқ барча масалалариники дарах-ҳарат, баъзан фиғон билан юксак бадийликда ифодаланганинги гувоҳики бўлади. Ҳатто айрим газал қитъа ва рубоийларда шоир ўзи яшаётган ижтимоий муҳитни кескин танқид қилади, уни ўзгартириш масаласиники кўяди. Фоний дунёқарашидаги бу жиҳат устоз, машҳур навоийшунос, профессор Н.Маллаев томонидани алоҳидики таҳлил қилинган.

Адиб девонидики бир қанча қитъа ва рубоийларидики замоннинг бевафолигидани, замон аҳлининг инсоний қиёфани йўқотганигидани азият чекади. Ҳатто улариники кўрмасликка, ўзи яшаётган муҳитдан йироқ бўлишга интилагагиники изҳор этади. Китобхонни шунга даъват этади ҳам. “Замона аҳлининг жафою азобиники тортишга мажбурсан”, деган шоир 52-қитъасидани шундай изҳори ақида қилади:

*Тийраам аз мардуми чашми худ, эй Фоний, зи бад
К-омадам бар рў зи мардум дар жаҳони номардуми
Одами оби магар жўям зиборё гашта фарқ
З-онки аз рўи замин гўм гашта жинси одами.*

(Эй Фоний, ўз кўзимнинг қорақингидани кўнглим қоронгу, чунки одамийликдан йироқ жаҳон менинги кечимга туши. Энди ўзимники дарёга ташлаб, сув одаминики излайман. Зероки, ер юзидани одами жинсники йўқолиб кетди).

Шоир рубоий ва қитъаларидики кенг маънодаги дўстлик мавзусиники қуйлашга алоҳидики эътибор берган. Зероки, Навоий замонидики ҳам инсонларни насабига, амал-мартабасига, сарват-бойлигига қараб ҳурмат қилиш, эъзозлаш, нафсиники манфаатни деб дўст тутиниш, яъни дўстлик йўлида мунофиқликка йўл қўйиш мавжуд экан. Шунинг учун шоир “бир ёри мувофиқ, дўсти жони” тополмагандани нолиди. Кимники дўст деб тутса, душман бўлиб чиққандани шикоят қилади, афсус чекади. “Мен ҳар ким билан улфат бўлган бўлсам, жонимники жабр ўтида ёққан у олов экан, мен улфат деб хато қилибман”, деган шоир қуйдаги байтларда янада қаттиқ изтиробларни ифодалайди:

*Гар касе ёри дорад, эй дил, бок нест,
Гар зи даврони мухолиф жони зоре бошадаш.
Дарду ғам навад касеро аз жафои даҳр агар,
Дарро ҳамдарду ғамро ғамгузоре бошадаш.*

(Эй дил, агар кишиники мувофиқ ёри бўлса, бу ғаддор замондан кўнгли озор чека ҳам зарари йўқ. Агар дардига ҳамдарду ғамгусориники бўлса, дунё ҳар қанча жафо қилса ҳам кишиники дарду ғамни бўлмайди).

Маълумки, Алишер Навоийнинг барча лирик шеърларидики ишқ-муҳаббат тасвири билан бирга юксак инсоний хислатлар тарғиб этилиб, ғайриодамий феъл, ҳулқ-атвор, гуфтору рафтор қаттиқ қораланган. Фонийнинг кичик жанрлардаги шеърларидики ҳам камтарлик, таъзим-тавозу, меър-шафқат, қарам-сахийлик, шукр, сарбқаноат, ҳалолу-поклик ва бошқа хислат тарғиб этилиб, ноҳиллик, такобур, тамагирлик инсонни пасткашликка элтади, беқадру хор этади, дейилган. Шоир хайру саховат, очикқўллик, кенгфеъллик инсонни шарафлайди, деган хулосага келади:

*Мазмуни:
Агар узат тиласанг, тамаъни тарк эт,
Гадларнинг хорлиги тамаъ туфайлидир...
Одамлар бошидан дур сочгани учун ҳам,
Баҳор будути шоҳларнинг соябони бўди.*

Ўтган асрнинг 70-йилларидани бошлаб “Девони Фоний”дан айрим намуналар Шоислом Шомухаммедов, Назармат, Чустий, Васфий, Жуманияз Жаббаров, Аскар Маҳкам, Мирзо Кенжабек ва бошқа шоирлар томонидани таржима қилинган. Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол ана шу анъанани давом эттириб, Алишер Навоийнинг форсий шеърятдан 200 та газалини танлаб таржима қилиб, “Фоний гулшани” (“Мерияс” нашриёти, 2011) номи билан нашр эттирди.

Бу таржималарнинг қиммати шундаки, Жамол Камол таржималарда аслиятнинг том маънодаги моҳиятини тўғри идрок этган ҳолда уларнинг оҳанг, мусикилиги, бадий нафосатиники тўла ифодалай олган, Фоний қўллаган сўз, ибора, бирикмаларнинг ўзбекча мутаносиблариники топиб қўллаган. Китобда “Фусули арбаъа”, “Ситта зарурия” туркум қасидалар таржимасиники берилиши китобхоннинг буюк шоирнинг забардаст қасиданавис эканлигиники билиб олишга имкон яратган. Мажмууда тушунилиши қийин сўз ва ибораларнинг тугал шарҳининг келтирилиши ҳам унинг илмий ва маърифий қимматиники оширган. Китобга филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққул асарнинг моҳиятини чуқур, мухтасар аналтувчи “Тасаввур ва тасаввур чечаклари” номи сўзбоши ёзган. Бизнинг ягона истагимиз мутаржим бу хайрли ишники давом эттириб, “Девони Фоний”нинг тугал таржимасиники яратса, кони фойда бўларди.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ

БОБОМНИНГ САВАТИ

ЖАРАЁН

ТАЪЛИМ

Эл-юртинг фаровон, тинч-осойишта бўлиши, тўкин-сочилликда яшаши, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашида, албатта, ёш авлоднинг хизмати беқийс бўлиши тайин. Шу боис, республикамизнинг вилоят, туман марказлари, ҳатто, чекка қишлоқларида жаҳон андозаларига мос академик лицей, касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатмоқда.

Бу саъй-ҳаракат ва хайрли ишларнинг барчаси мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, амалга ошириладиган ислохотларни такомиллаштириш, уларнинг туб моҳиятини чуқур ўрганиш, ёш авлодни ҳар томонлама етук, давр талабига жавоб берадиган малакали мутахассис, ватанимиз ва халқимизга садоқатли инсон қилиб тарбиялашдек масъулиятли вазифаларга қаратилган. Хўш, бу вазифалар қандай адо этилапти? Саволларимизга жавоб топиш ҳамда эндигина етуқлик шаходатномасини кўлга олиб, мустақил ҳаёт оstonасида турган ёшлар жаҳти билан қизиқиб, Ургут туман маиший хизмат ва сервис касб-хунар коллежида бўлди.

— Ургут туман маиший хизмат ва сервис касб-хунар коллежи Ёш қишлоғида жойлашган. Коллежда олти йўналишда 1230 нафар ўқувчи таҳсил олади. Уларга 62 нафар ўқитувчи-муҳандис билим ва хунар ўргатади, - дейди коллеж директори Қаҳрамон Хамроев. — Коллежда соғломлаш-



ИСТИҚБОЛ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

УЛАРНИНГ БИЛИМ САВИЯСИ, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ, ДУНЁҚАРАШИ ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИ БЕЛГИЛАЙДИ

тириш иншоотлари, катта зал, ошхона фаолият кўрсатмоқда. Ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чикаришлари ҳамда турли хил маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Коллежда ёшларнинг соғлом турмуш кечирishi учун барча зарурий ишлар қилинмоқда. Жанубий Корея, Япония ва “Эл-Холдин” фирмасидан келтирилган жиҳоз ва лаборатория асбоб-ускуналари би-

лан таъминланган коллежда фанлар бўйича белгиланган ўқув ҳамда ишлаб чиқариш амалиётлари ўтказилади. Амалиётларни намунали ва сифатли ўтказиш учун 17 та ташкилот, корхона ва қўшма корхоналар билан ҳамкорлик шартномалари тузганми. Педагог ва муҳандис-педагогларимиз ўқув жараёнида компьютер, тидускоп, видеоглаз, лингафон, кичукилик машиналари каби жиҳозлардан фойдаланган ҳолда

дарс ўтилади. Эндигина иш фаолиятини бошлаган ўқитувчиларга малакали информатика мутахассислари яқиндан ёрдам беришмоқда. Коллежнинг ахборот ресурс марказида эса 6 та янги компьютер ўрнатилган, принтер, нусха кўчириш аппарати ва сканер мавжуд. Барча мавзудаги адабиётларнинг электрон варианты ҳам шу ернинг ўзида топилади. Ўқувчилар керакли мавзулар бўйича маълумот олиш имконига эга.

— Қаҳрамон ака, талабаларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун қандай тадбирлар ишлаб чиқилган, шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Ўқувчиларнинг бўш вақтини кўнглидагидек ўтиши учун коллежда маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона, компьютер хоналари мунтазам равишда ишлаб турибди. Улар турли хил китоблар, газета ва журналлар билан таъминланган. Турли хил мавзудаги тадбирлар, адабий бадий кечалар ҳам тез-тез уюштириб турилади. Коллежда спорт секциялари, 20 та фан тўғрисида, компьютер курслари, тикувчилик, чилангарлик, пайвандлаш устахоналари мунтазам фаолият юритади. “Ўлкашунослик”, “Моҳир кўллар”, “Нотиклик санъати”, “Бадий ҳаваскорлик” тўғрисида қатнашчилари вилоят миқёсида фаол иштирок этиб, ижобий натижаларни кўлга киритмоқда. Ўқувчи қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилишда спорт соғломлаштириш ишлари салмоғини янада ошириш учун дарсдан ташқари вақтларда турли хил ўйинлар ва спорт мусобақалари ташкил этилган. Спортнинг теннис, баскетбол, волейбол, миллий кураш, шахмат-шашка, футбол, каратэ турлари бўйича тўғрақлар фаолият кўрсатмоқдаки, бу ўз навбатида гуруҳларро спорт мусобақаларининг мунтазам ўтказиш турлишига сабаб бўлмоқда. “Таманно”, “Миллий қадриятларимиз — фаҳримиз”, “Миллий либосларимиз — аёлларимиз кўркі”, “Тикувчилик, ишлаб чиқариш” йўналишларида ўқувчи қизларимиз фаол иштирок этиб, ўзлари яратган либосларни намойиш этиб, нақадар эпчил, чаққон ва зукколикларини амалда кўрсатмоқдалар.

О.ХОЛИКУЛОВ,
“Milly tiklanish” мухбири

Ёшлигимда кўп вақтимни энамларникида ўтқардим. Ҳовлидаги мол-қўйларни боқиб қарашардим, чорбоққа чиқиб кўтарганимча ўт юлиб келардим. Хуллас, бўш вақтим бўлмас эди. Энам тайёрлаган қатик, қаймоқ, сутли овқатларни жуда яхши кўрардим. Ҳали-ҳануз ўшандай тотни, мазани учратолмайман. Ҳар сафар энам: “Кел болам, сут ичиб ол, мана бу ўғиз, кеча сен яхши кўрган ола сизиринг болалади, ўшаники”, - дерди-да, саватнинг остидан сут олиб берарди. Ўша вақтда, нимага сут-қатикни сават остида сақлашаркин, уйда совутгич бўлса, айниб қолмасмикан, деб ўйлардим. Сабабини сўрасам, онам шундай қиларди, биз ҳам шунга ўрганганимиз, дердилар. “Нимагадир сут сават остида кўп вақт айнимасдан туради”, дерди энам. Ушунда сақланганимиз сут билан энамларникида сақланганимиз сутнинг фарқи бўларди. Менга сават остида тургани ёқарди.

Ҳар йили баҳор келиши билан бобом бўш вақтларида тут, тол, йилгин новдаларидан турли хил сават ва сумкалар тўқирдилар. Таниш-билишларга, қўни-қўшнилари улашарди. Мен бобомга катта ёрдамчи эдим. Новдаларни олиб келар ёки ушлаб турар эдим. Бобом менга эринмасдан сават тўқишни ўргатарди. Эсимда, бир сафар ўзим тол новдаларидан кичкинагина саватча тўқигандим. Ўша воқеа ҳозиргача кўз олдимдан кетмайди. Баҳор келиши билан, силлик, бутқосиз, майин новдаларни қўриб сават тўқиғи келаверади. Бобом тўқиган саватлар қиройиллиги, бежиримлиги билан қўнчиликка маъқул келарди.

— Бобожон, бозордан сотиб олсақ бўлмайми? - десам, кулиб туриб: “Болам, ўзинг тайёрлаганинг бошқача-да. Буям бир хунар, йигит кишига қирқ хунар кам, дейишдику. Баҳонада ҳовлидаги дов-дарахларни бутайсан. Қолаверса, ишдан чарчаб келсанг, чарчоқларинг ёзилади. Менга сават тўқишни бобом ўргатган эди. Мен эса сенга ўргатдим. Келгусида рўзгор тутушингда асқотиб қолар, болам”, дедилар.

Бобомнинг ана шу сўзлари қўлогим остида кечагидек жарағлаб турибди. Энамнинг сўт-қатикларини сават остида сақлашлари сабабини бугун топгандекман. Одамлар илгарилари совутгич бўлмаган вақтларда таомларни айнимаслиги учун салкин жойга жойлаштириб, устига сават ётиб қўйишар экан. Сават орасидаги тешикчалардан шаббода кириб, ҳавони алмаштириб турар экан. Шу билан бирга тол, тут, йилгин новдаларидан тараладиган ҳид, ҳар хил чивин, пашшаларни ҳам йўлатмас экан.

Мана, нон ёпишда ишлатиладиган саватнинг яна қанча вазифалари бор экан. Бобом ҳар бир хонадонда камид 2-3 дона сават бўлиши керак, деб билиш айтимаган экан.

Бир гал қишлоққа борганимда дала оралаб тут, тол новдаларидан бутаб келдим.

— Онажон, саватингиз бир оз ескириб қолибди. Янгисини тўқиб бераман, - дедим.

— Шу бугун бобонг тутимга кириб, белбоғидан икки дона янги ёпилган нон бериб кетди. Сени келиб, бобонгни саватидан тўқиб беришинг эканда, болам. Анчадан буён, янги сават бўлса эди, деб юривдим. Яхшиям сенга шу хунарни ўргатиб кетган экан. Дадамни кўргандай бўлман. Бир йўла икки та тўқигин. Синглингга ҳам олиб бераман, бобомнинг саватидан, деб эслаб юради.

Бобомнинг гапларини, сават тўқишдаги қўл ҳаракатларини эслаб, мен ҳам сават тўқишга киришдим. Ҳовлида новдани от қилиб миниб юрган, ҳар нарсага қизиқувчан жиҳним Абдурахмон:

— Опоқ дада, нима қиляпсиз, мен ҳам томоша қилсам майлими? - деди. Худди мен қизиқ нарса ясаётгандек. — Майли жиҳан, сен новдаларни олиб бериб тур. Менга ёрдамчи бўласан. Хоҳлайсанми, катта бобонг менга ўргатган сават тўқишни сенга ҳам ўргатаман.

— Хоҳлайман, кейин бозорга олиб бориб сотамизми, - деди қизиқини яширолмаб жиҳним.

— Йўқ, бувижонингга, ойижонингга тўқиб совға қиламиз, аммажонингга ҳам тўқиб берамиз, - дедим.

— Аммамга ўзим тўқийман, - деди хурсанд ҳолда.

Бир зумда иккаламиз ишга киришиб кетдик. Абдурахмон жажжи қўлчалари билан менга кетма-кет новдалар узатар, тинимсиз, энди нима қиламиз, деб савол беришни, саволларига тўлик жавоб олмагандан қўямасди. Мен жиҳнимнинг қизиқшидан, бобомдан ўрганган хунарни унга ҳам ўргатаётганимдан ич-ичимдан қувонардим. Назаримда бобом бизни кузатиб, жилмайиб тургандек эди.

Эркин ЙЎЛДОШ,
“Milly tiklanish” мухбири

ТАДБИР

ИНСОН МАНФААТИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

“Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш - фуқаролик жамиятининг муҳим омилли” мавзусидаги ўқув-семинар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкиллаштирилди. Икки кун давом этган тренингда ахборот агентликлари ва марказий нашрларда фаолият юритувчи журналистлар иштирок этишди. Семинарда тегишли ташкилот ва идора вакиллари Ўзбекистондаги суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ОАВларнинг ўрни ва вазифалари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизминини таъминлаш масалалари мавзусидаги маърузалар билан қатнашишди.

Семинарни ташкил этишдан мақсад, юртимизда амалга ошириладиган ислохотлар инсон қадр-қимматини юксалтириш, ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотиш ва бу борада аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш берилётганини жамоатчиликка етказишда ОАВ ходимларининг янада масъулиятини оширишга қаратилган. Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев.

Семинар баҳс-мунозараларга бой, эркин тарзда ўтди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга тегишли идора вакилларидан жавоб олдилар. Бу каби ўқув-семинарлар журналистларни мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган ислохотлар билан таништириш ҳамда фаолият юритаётган ташкилотлар вакиллари билан алоқаларини ривожлантиришга шароит яратди. Шу билан бирга бу мавзуда қалам тебратувчи ижодкорларнинг янада мақсад сари изланишларига туртки бўлади.

Адибахон ФАЙРАТ қизи,
“Milly tiklanish” мухбири

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

“NAMANGAN ASRI” КУ: КЕЛАЖАККА ЮЗ ТУТМОҚДА

Наманган вилоятидаги “NAMANGAN ASRI” кредит уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг лицензияси ва тасдиқланган ўз уставига асосан фаолият юритади. Ҳозирги кунда аҳоли ишончини янада мустаҳкамлаш, янги аъзоларни жалб қилиш мақсадида кредит уюшмаси ўз хизматларини мунтазам жорий этиб бораётгани унинг фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда асосий молиявий кўрсаткичлари ўсишида ўз ифодасини топомқда.

Умуман, “NAMANGAN ASRI” кредит уюшмасининг асосий мақсадлари қаторида аҳолининг бўш турган пул маблағларини омонатларга жалб қилиш, жисмоний шахс ҳамда яққа тартибдаги тадбиркорларнинг молиявий қўллаб-қувватлаш, бу билан уларнинг истиқболли лойиҳаларини кредитлашга алоҳида эътибор қаратиш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, қолаверса, мамлакат иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиш каби устувор вазифалар бор.

Шу ўринда айтиб ўтиш кераки, жорий йилнинг 1 чорак якунига қўра кредит уюшмасининг активлари 1 680 525 минг сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг 31 декабрь ҳолатига нисбатан 1 155 617 минг сўмга ўсди. Кредит уюшма хизматларидан фойдаланаётган аъзолар сони 632 нафарни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2010 йил ҳолатига нисбатан 365 нафарга кўпдир.

Шунингдек, 2010 йил якунига қўра, кредит уюшмасининг кредит портфели 442 436 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йил 1 чорак якунига 1 573 444 минг сўмга етказилди. 2010 йил якунида кредит уюшмасининг фойдаси 4 824 минг сўмни ташкил этган эди, 2011 йил 1 чорак якунига қўра эса бу кўрсаткич 37 450 минг сўмга ошди ва 43 339 минг сўмни ташкил қилди. Бу “NAMANGAN ASRI” кредит уюшмаси изчил ривожланаётганидан далолатдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар эвазига корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, аҳоли учун янги иш ўрин-



лари яратилмоқда. Шу билан бирга мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан вилоятда истиқомат қилувчи 20 нафар тадбиркор аёлга имтиёзли кредит ажратиш режалаштирилган.

Шунингдек, кредит уюшмаси кредит амалиётлари жараёнини такомиллаштириш, кредит портфели таркибининг мунтазам мониторинг қилиш ҳамда кредит хатарларини таҳлил этишга катта эътибор қаратмоқда. Бу эса аҳолини кредит уюшмасига нисбатан ишончини янада мустаҳкамлашда асосий омил бўлмоқда.

Ортимизда кредит уюшмаларининг барқарорлашув жараёни ривожланиш сари оидимлаётгани бугун халқаро экспертлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги молия-банк тизимида кредит уюшмаларининг улуши ортиб бормоқда. Лекин бу улуш кун сайин ўсиб боришни таъминлашга эришиш лозим бўлади. “NAMANGAN ASRI” кредит уюшмаси шу кунларда ўзининг истиқболдаги режаларини белгилаб олган. Қўйилмалар ва кредитлар миқдорини ошириш ва шу йўл билан депозит ҳамда кредитлар соҳасидаги хизматлар тури билан сифатини оширишни таъминлаш устувор вазифалардандир.

Бехзод САИДХОНОВ,
“NAMANGAN ASRI” кредит уюшмаси ижрочи директори

СОҒЛИГИНГ-БОЙЛИГИНГ

ЮҚУМЛИ ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИ

ЭХТИЁТКОРЛИККА УНДАЙДИ

Аслида ҳар қандай касалликка мавсумийлик хос. Шу маънода ўткир юқумли ичак касалликлари айни иссиқ кунларда авж олади.

Ўткир юқумли ичак касалликлари

рени келтириб чиқарувчи микроорганизмларнинг кўпайиши учун иссиқ шароит муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ичтерлама, сальмонелёз, ичбуруғ, иерсинёз, ротавирус каби номдор

айнан мазкур касалликнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Касалликнинг айни ёз ойларида кўп кузатилишига бир қанча омиллар мавжуд. Жумладан, кишиларнинг сувага бўлган эҳтиёжи табиий равишда ортиши сабаб, қайнатилмаган сув ичиш натижасида ошқозондаги ҳлорид кислотасининг концентрацияси пасайиб кетади. Шунингдек касаллик ҳўл мевалар тозаланмасдан ейилганда, яхши сақланмаган, туриб

қолган таомларни истеъмол қилганда, касаллик билан оғриган бемор билан мулоқотда бўлганда, очик сув ҳавзаларида чўмилган пайтда микробларнинг организмга тушиши натижасида ҳамда ёш болалар учун мўлжалланган суний овқатларни тайёрлаш жараёнида санитария-гигиена қоидаларига риоя этмаслик сингари ҳолатлар орқали кўзга ташланади.

Шифокорларнинг кўп йиллик кузатувлари натижаси ўларок, юқумли

ичак касалликларига асосан 3 ёшга бўлган болалар кўпроқ чалинар экан. Бу эса бола парваршига ўта эҳтиёткорлик билан ёндашиш, овқатларнинг рақционда шайши гигиена қоидаларига мунтазам амал қилиш, то гўдак ўзини тугиб олгунча кўкрак сuti билан боқиб, олти ойдан сўнг тавсия этиладиган қўшимча овқатларнинг таркиби ва озодалигига аҳамият беришни талаб этади.

Наргиза АСАДОВА

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

Айни пишиқчилик палласи бошланиб, помидор, бодрингга ҳам этиб келди. Аммо европаликларнинг оғзи энди ошга етганда баҳорий ва ёзги маҳсулотлардан бироз тийишлишига тўғри келмоқда. Бунга шу йилнинг май ойида дастлаб Германияда бошланиб, кейин Испания, Нидерландия, Дания, Швеция, Буюк Британия ва бошқа кўпчилик Европа давлатлари томон "кенгайиб" бораётган янги ичак инфекцияси сабабдир.

Тиббиётда E. coli деб аталган бактерия бодрингдан юққан деб кўрилди ва қатор Европа мамлакатлари мева-сабзавот импортга тақиқлар жорий этди. Сўнгги маълумотларга кўра, ҳозир ушбу касаллик билан боғлиқ 2000 дан ортиқ ҳолат қайд этилган, вафот этганлар сони 20 нафардан ортиқ, уларнинг аксарияти аёллар.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Германиядаги Роберт Кох номидаги институт ва бошқа тегишли ташкилотлар олимлари истемолчиларни бодринг, помидор, салат баргларини пиширмай ейишдан эҳтиёт бўлишга чақирмоқда. Уларнинг фикрича, мазкур маҳсулотлар таркибиде хавфли бактерия бўлиши мумкин. Шунга қарамай, касаллик манбаи бора-сида айрим маълумотлар мавжуд. Хусусан, Германиялик олимлар қарийб 300 нафардан зиёд кишига айнаган E. coli ёки Escherichia coli энтерогеоморфтик бактериясини юқтирганини аниқлаган.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бактерияни кашф этган Теодор Эшерих номи билан аталган "Escherichia coli" таёқчаси кўпинча инсон ва жониворлар ичагида яшайди. Эшерих таёқчаларининг аксарияти зарарсиз, бироқ унинг энтерогеоморфтик шакли оғир хасталикни келтириб чиқариши мумкин. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тарқатган маълумотларга қараганда, юқумли таёқчалар асосан иссиқ сувда ювилмаган гўшт маҳсулотлари ва хом сўтдан инсонга юқибди. Шунингдек, иссиқ сувда тозаланмаган сабзавотлар ҳам хасталик манбаи бўлиши мумкин. E. coli оғир турига чалинган инсонларда қонли ич кетиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, қайт қилиш кузатилади. Инсон ичагида тушган инфекция захар ишлаб чиқаради, қонга сўрилган бу захар кичик томирлар, айниқса, буйракка салбий таъсир кўрсатади. Оқибатда буйрак ишдан чиқиб кетиши натижа-сида айрим ҳолатларда нерв тизими зарарланиши мумкин.

Дастлаб Германиялик мутахассислар янги инфекция Испаниядан келтирилган помидор ва бодринг маҳсулотларида борлигини айтишгач, мамлакат фер-

мерлари жиддий инқирозга юз тутишди. Испания расмийлари тарқатган маълумотларга қараганда, биргина бодринг билан боғлиқ жиддий тафайли бир кунлик зарар миқдори 200 миллион еврога ташкил этмоқда.

Инфекция борасидаги хабар тез тарқалди. Боз устига истемолчилар орасида касалланишлар ҳам кўпая борди. Натижада аҳоли помидор, айниқса, бодринг каби айни пайтда истемол учун зарур бўлган маҳсулотларни сотиб олмай қўйди. Кимга жон, кимга мол қайғуси. Айни пишиқчилик пайтида мазкур маҳсулотларнинг асосий экспортчилари саналмиш Испания ва Нидерландия Европа Иттифоқидан зарар ўрнини қоплаш учун мос равишда компенсация сўрамоқда. Аммо ҳозирги зарар ўрнини қоплаган билан бирор нарса ўзгаришига ишончи қийин. Зеро, ёз олдинда. Бозорга ҳали бир неча бор янги сабзавотлар, мевалар ва полиз экинлари кириб келади. Улардан кўриладиган зарар миқдорини балки ҳозирдан ҳисоблаб қўйиш керакдир. Негаки, муаммонинг бош сабаби - инфекция манбаи аниқланганича йўқ. Нимадан эҳтиёт бўлиш, нимага қарши курашишни билмаслик хавф даражасини оширади.

Ҳозир импорт маҳсулотлар, шунингдек, маҳаллий сабзавотлар текшируви давом этмоқда. Шу пайтга қадар касалликни кўзгатаётган ичак таёқчалари ҳеч бир маҳсулотда аниқланмаган. Касалликнинг нимадан келиб чиққани бўйича таҳминлар эса бунга қарамай қарши ўлароқ ўсиб бормоқда. Бошида бунга бодринг ва салат барги айбдор бўлди. Кейин улар қаторига помидор ҳам қўшилди.

Европаликлар ниш урган ловия уруғларини ейишни яхши кўради. Мутахассислар уларда ҳам бир гап борлигини айтишди. Экспертлар инфекция транспорт-да ёки оғир ҳолатда сақланаётганда ўтган бўлиши мумкинлигини ҳам айтишмоқда. Бу албатта, ишлаб чиқарувчилар айбини анча енгиллаштирган бўларди. Охири тахмин эса сабзавотларга солинадиган табиий ўғит билан боғлиқ бўлди.

Германияда қайд этилган



ЭШЕРИХ ТАЁҚЧАСИ

БУГУНГИ КУНДА ЕВРОПА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЖИДДИЙ ИНҚИРОЗ ЮЗ БЕРМОҚДА. ЎТГАН ЙИЛИ СУТ, ОЗИҚ-ОВҚАТ, ГЎШТ МУАММОСИ ЮЗАГА КЕЛГАНДИ. ЭНДИГИ НАВБАТ МЕВА-САБЗАВОТЛАРГА ЕТДИ

сўнгги маълумотларга кўра, ҳозир касалликнинг тарқалиш тезлиги сезиларли пасаймоқда. Шу сабабли у ёки бу маҳсулотни сотиб олишни тақиқлашга ҳожат йўқ, деган фикрлар илгари сурилмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, ҳозир муаммонинг ечими инфекция қаердан келиб чиққанини аниқлашдан иборат. Бу - бозорда тартиб ўрнатишнинг ягона йўли. Ўз навбатида экспортчилар ҳам маҳсулотлар зарарсиз эканини исботлаш ҳаракатида. Аммо Германиялик мутахассислар янги инфекция манбаини аниқламагунча қадар бу борада жиддий кадам қўйиши қийин.

Беморлар тузалиш, деҳқонлар ўзини оқлаш билан бора бўлган бир пайтда Испаниянинг экология ва қишлоқ хўжалиги бўйича вазир Роза Агилар мамлакат манфаатлари ҳимоясига отланди. У ўз баёнотида Германия Испания қишлоқ хўжалигига етказилган адолатсиз зарар учун жавабгар ҳисобланиши кераклиги ва ҳар бир етказилган зарар алоҳида баҳоланиши айтди. Лекин Германия фермерларининг ҳам ошми оғли эмас, кунга икки миллион зарар кўраётган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар энди ишчилар сонини икки баравар қисқартириш арафасида. Ҳозир Чехия ва Францияда Испаниядан олиб борилган барча бодринглар дўконлардан йиғиб олинган. Австрия

Германия орқали экспорт қилинадиган бодринг, помидор ва бақлажонлар савдосини тақиқлаган. Бельгия Испаниядан бодринг импортини ман этгани ҳақида хабар қилинган.

Қондага кўра, Германия, Австрия, Финляндия ҳам Испания маҳсулотлари импортини тақиқлашга қўй олмайди. Мазкур ваколат фақат Еврокомиссияга тегишли. Қолаверса, ҳали ҳеч бир давлат маҳсулотлар бактерияни аниқлашга қўй қўймади. Хатто, Венгрияда бўлиб ўтган Европа Иттифоқи давлатлари қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўйича вазирларининг йорасий саммитида ҳам Германия бундан олди.

Бугунги кунда Европа қишлоқ хўжалиги жиддий инқирозни бошидан кечирмоқда. Ўтган йили

жаҳон бозориде сут нархининг икки баробарга пасайиши қўнча қитъа фермерлар фаолиятига салбий таъсир ўтказди. Кейинроқ гўшт, озиқ-овқат муаммосини бартараф этишга тўғри келди. Энди эса сабзавотлардан инфекциялар чикмоқда. Ҳали олдинда полиз маҳсулотлари, кузги йилги теримлар бор. Кузатувчиларнинг фикрича, Европа Иттифоқи мутахассислари соҳада жиддий ислохотлар ўтказиш, айниқса, фермер хўжалиқларига кўпроқ сармоя киритиш, биоёқилғи учун маҳсулот етиштиришга ҳақ қўйиш ва хомашё бозорлари фаолиятида шаффофликни кучайтириш энг асосий масалалардан бирига айланган.

Бехбуд БОТИРОВ,
«Milliy tiklanish»
шарҳловчиси

● Германияда қишлоқ хўжалигига яроқли 36 миллион гектар ер бўлиб, асосан буғдой, арпа, қанд лағайи, картошка, узум, мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилади.

● Испания майдонининг 71 фоизиде деҳқончилик қилинади. Испанияда цитрус мевалар (апельсин ҳосили бўйича Европада 1-ўрин, йилига 3 млн тонна), буғдой (экин майдонининг 20 фоизи), шoli (дунёда энг юқори ҳосилдорлик: гектардан 60-70 центнер), сабзавот (экин майдонининг 69 фоизи) лар етиштирилади.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

35 йилдаги йирик табиий офат

Бразилияда энг йирик табиий офат юз берган.


Мамлакатнинг шимолий Рорайма штатида ёққан кучли ёмғир Риу-Бранк дарёсининг ўзанидан чиқиб кетишига олиб келган. Оқибатда сув сатҳининг баландини қарийб 10 метрга етган. Бу 1976 йилги табиий офатга нисбатан ярим метр кўпдир. Ҳозир ўндан ортиқ аҳоли яшаш пунктлари ташқи дунёдан узилган. Айни пайтда штатда ҳарбийлар томонидан аҳолига зарур ёрдамлар кўрсатилмоқда.



Космик станция томон

Япония аэрокосмик агентлиги - JAXA халқаро космик станцияга одамсимон робот жўнатишни мўлжалламоқда.

JAXA ҳамда Токио университети мутахассислари ҳамкорлигида ишлаб чиқилган ушбу робот фазогирларнинг руҳий ҳолатини кузатиш ҳамда компьютер тармоғидаги микроблогни юритади. Робот фазогирлар билан мулоқот қилиш қобилиятига эга гаплаша олади, юз-кўзда ифодаланган фикрни тушунади, шунингдек, ҳалқаро космик станциядаги илмий тадқиқотларда иштирок этади. Жумладан у фазодан туриб Ернинг суратини олади, фазогирларнинг гаплари, ҳол-аҳволини кузатиб, таҳлил қилади. Бу унга экипаж аъзоларининг руҳий зўриқиш ҳолатида эканини аниқлаш имконини беради. Робот фазодаги ҳаёт ҳақидаги таассуротларини компьютер тармоғидаги микроблогга мунтазам ёзиб боради. Астронавт-роботнинг фазога илк саёҳати 2013 йилга режалаштирилмоқда.



Ишсизлар сони яна ошган

Шу йилнинг май ойида АҚШда 54 мингга ишчи ўринлари яратилган, аммо бу ўтган 10 ойда энг паст кўрсаткичдир.

Мутахассисларнинг фикрича, бунга Япониядаги йирик ер силкениши ҳам таъсир кўрсатган. Кунчиқар ўлқадан зарур хомашёлар ҳисобида ишлайдиган АҚШдаги айрим автомобиль заводлари ишчи ўринларини қисқартирган.



Завод ишга тушди

Эроннинг Бушеҳр атом станциясида илк реактор ишлаб бoшлаган.

35 йиллик қурилишдан кейин ниҳоят Эрон илк ядровий реакторини ишга туширган. Станциянинг биринчи реактори минимал қувватда ишга киририлган. Эслатиб ўтамиз, Бушеҳр станциясининг ишга тушириш муҳлати бир неча марттиба орқага сурилган. Айни вақтда АҚШ ва айрим Фарб давлатлари мазкур атом станциясини қуриш билан, Эрон ядровий қурол барпо этишни мақсад қилганини даъво этишди.




Шохрух ОЗОДОВ
хорижий ОАВ таъбирлари
асосида тайёрлади

РАНГИН ДУНЁ

Хитой меъморчилиги ҳақида сўз кетганда, энг аввало, кўз ўнгимизда маҳобатли саройлар, ибодатхона ва мақбаралар намоён бўлади. Саройлар императорларнинг яшаш жойи бўлибгина қолмай, давлат ишларини юритиш учун ҳам хизмат қилган. Шу боис саройларда Хитой меъморчилиги санъатининг юксак қирралари ўз аксини топган. Масалан, Пекин шаҳридаги Гузун саройи ҳашамдор ва бетакрор безаклари билан бошқаларидан фарқ қилади. Сарой худудидан 9 мингга яқин нишоот ҳам жой олган. Мазкур сарой деярли барча сайёҳлик лойиҳаларига киритилгани боис, дунё сайёҳлари унинг гўзаллигидан, албатта, баҳраманд бўлиб қайтишади.

ПЕКИНГА САЁҲАТ

БУЮК ХИТОЙ ДЕВОРИДАН БОШЛАНДИ



Хитой халқи бир қанча динга эътиқод қилади. Шу боис, бу

Бундай ибодатхоналарда роҳиблар истикомат қилишади. Турли миллий байрам ва маросимлар айнан шу ерда ўтказилади. Масалан, Юнхэгуан (саройдаги тибет буддавийлари ибодатхонаси) Хитойдаги энг машҳур ибодатхоналардан бири бўлиб, салкам 60 минг кв. метр майдонни эгаллаган. Ибодатхонада мингдан ортиқ хоналар мавжуд. Даставвал ибодатхона сарой қароргоҳи бўлгани учунми, унда анъанавий Хитой меъморчилиги санъатига хос услублар яққол кўзга ташланади.

Хитойнинг анъанавий бог санъати маълум тизимга эга бўлиб, асрлар давомида қатъий қоидаларга риоя этиб келинади. Маълумки, Хитой хиёбонларида галерея, мўъжаз манзаралар ҳамда кичик кўприкчалар бўлиши лозим. Ҳозирда Grad View Garden хиёбони Пекиннинг 40 та муҳим ёдгорликлари рўйхатида киритилган. Бу хиёбон 1984 йилда қайта тикланиб,

унда император саройи ҳамда хусусий боғларнинг кўриниши ҳамжihatликда акс эттирилган. Мамлакатнинг турар-жойларига келсак, маҳаллий аҳоли ўз уйлари иклим шароити ҳамда хар бир худуднинг ўзига хос анъаналарига мослаб қуришади. Авваллари Хитойда "сыхэ-юань" номи классик уйлар қуриш одат тусига кирган эди. Кейинги 10 йил ичида эса бундай уйлarning фақат айримларигина келажак авлод учун сақлаб қолинган.

Анъанавий Хитой архитектурасининг йирик иншоотларидан бири мақбаралар бўлиб, мамлакатни бошқарган деярли барча императорларнинг қабри Пекин шаҳрининг чека худудида жойлашган. Ҳозирги кунда Пекин атрофида йирик ва серхашам мақбаралардан иккитаси - Мин (XIV-XVII) ҳамда Цин (XVII-XIX) императорининг хилхонаси сайёҳлик йўналишлари рўйхатида киритилган.

БИРИНЧИ ХУКМДОР МАҚБАРАСИ

Айтишларича, Хитойни ягона давлатга бирлаштирган Цинь сулоласи ҳукмдори Цинь Шинхуан (милоддан аввалги 210-246 йиллар) ўта қаттиққўл одам бўлган. Цинь Шинхуан ўз рақибларини шафқатсизларча ўлимга маҳкум қилган. Унинг ҳукмдорлиги давлат ягона ва марказлашган давлат вужудга келади. Цинь деҳқончилик, хунармандчилик ва савдосотиқни ривожлантиришга имкон берувчи бир қанча ислохотларни ўтказди. У тириклигидаёқ ўзига атаб мақбара қурдиради. Хашаматли, безакларга бой мақбара ўша даврда Миср пирамидалари билан бемалол беллаша ололган. Мақбарани 720 мингга яқин одам 37 йил мобайнида қуриб битирган. Мақбара туби бир неча квадрат километрни эгаллайди. Шунингдек, хилхона оғзига императорнинг йирик дунёда ҳам «қўриқлаш» учун ўрнатилган 6 мингга сополдан ясалган аскар-ҳайкалчалар ҳам топилган. Мақбара йўлақларида кичик хоналар бўлиб, уларда ўша даврга хос мусиқа асбобини чалиб турган одам ҳайкали, қабр атрофида эса бронзадан ясалган оқ қўшларнинг мўъжаз ҳайкалчалари ҳам топилган. Айрим манбаларда ёзилишича, мақбара сир бўлиб қилиш учун уни қурган барча ишчи-

лар тириклайин кўмиб юборилган экан.

БУЮК ХИТОЙ ДЕВОРИ

Император Цинь Шинхуан тез-тез ноҳуш тушлар кўриб, уйқуси ва хузур-ҳаловатини йўқотади. Хатто, бир кун император тушида, у ойдан учиб ерни томоша қилаётганини ва у ерда салтанатни ниҳоятда кичкина эканини кўради. Шундан сўнг, ўз давлатини душманлардан асрай оладиган, метиндек мустақам девор қуришга қарор қилади. Цинь ҳукмдори кўчманчи халқларнинг ахён-ахёндаги ҳужумларидан ҳимояланиш учун Буюк деворнинг бунёд этишга киришади. Деворнинг баландини 12 метр, кенглиги 5 метр, узунлиги эса салкам 5000 км.ни ташкил этади. Афсоналарда айтилишича, императорнинг оти девордан сакраб ўтган ва унинг тақаси теккан жойга қўриқчи миноралар қурилган. Аслида эса, хар бир қўриқчи минораси оралиги аниқ бир масофани ташкил этиб, камондан отилган икки найза ўқи этиб борган жойда бунёд этилган. 20 км. оралик масофада эса гарнизон миноралари, шунингдек, оғоҳлантирувчи миноралар (хавф кўринганда олов ёқиб оғоҳлантириш учун) ҳам қурилган. Қадим замонларда девор душман қўшинлари учун жиддий тўсиқ бўлиб қўрилган. Негаки,

Маъфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,
«Milliy tiklanish» мухбири

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИГИ

ИСТИҚЛОЛ ТУФАЙЛИ ҚАД РОСТЛАДИ

Ўзбекистон қадим замонлардан буйи ўзининг устаю хунарамандлари, мусавирлари билан дунёга машхур бўлган. Ўзбек ustalари ва хунарамандларининг ижод маҳсуллари Буюк ипак йўлида жойлашган шаҳару мамлакатлардан ташқари Европада ҳам юксак қадрланган. Қўлигул хунарамандларимиз, беназир ustalаримиз яратган буюмлар санъат асарлари даражасига кўтарилган. Минг йиллардан буйи дунё сайёҳларини ҳайрат ва ҳаяжонга солиб келётган Самарқанду Бухоро, Хиваю Шахрисабз, Тошкенту Термизнинг улдуғвор меъморий обидаларида қўлигул усталар, хунараманд ва мусавирларимизнинг бетимсол ижод намуналари мангуза муҳрланган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан кўп соҳалар қатори халқ амалий санъати ва миллий хунарамандчиликка алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 31 март куни қабул қилган "Халқ амалий санъати ва миллий хунарамандчилигини ривожлантириш ва уни давлат йўли билан қувватлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳа ривожини белгилаб берди. Ушбу Фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, хунарамандлари, мусавирларини бир жойга жам қилиш мақсадида "Хунараманд" уюшмаси ташкил этилди.

Уюшма халқ усталари ва хунарамандлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, зарур хомашё, асбоб-ускуналар билан таъминлаш, усталар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни кенг тарғиб қилиш каби мақсадларни ўз ичига қўйди.

"ХУНАРАМАНД" УЮШМАСИ

Уюшма 13 та ҳудудий бошқарма ва 142 та бўлимга эга бўлиб, ўзидан 20 минг 871 нафар хунарамандни бириктирган. Айни пайтда 25 га яқин йўналиш бўйича 1000 дан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, кулlochчилик, ёғоч, ганч ўймакорлиги, мисгарлик, миллий каштачилик, кандакорлик, заргарлик, тоштарошлик, сандиқсозлик, бешикчилик, тўқимачилик, чинни буюмлар ишлаш, ип ва шойи матолар тўқиш сингари хунарамандчилик

ФОНД ФОРУМ ХАБАРЛАРИ

МУСИҚА БАЙРАМИ

В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган музика академик лицейида "Шодийна" халқ чолғу асбоблари оркестри ҳамда "Тантана" болалар вокал гуруҳининг биргаликдаги концерт дастури бўлиб ўтди.

Концертда жонли музикага ихлосманд 200 нафарга яқин иштирокчилар қатнашди. Ўз навбатида, Фонд Форум "Шодийна" оркестрига музика чолғу асбобларини ҳадя қилди. Шунингдек, барча қатнашчи ва ўқитувчиларга эсдалик совғалари топширилди. Кечада болалар томонидан ижро этилган музикалар жонли тарзда янгради. Байрамда "Шодийна" халқ чолғу асбоблари оркестри ижроси-

ҳажмли қуйма буюмлар, заргарлик буюмлари учун қолиплар, гул маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Миллий кўчирчоқ ва ўйинчоқлар ишлаб чиқариш бўйича ҳам инвестицион лойиҳа ишлаб чиқилган бўлиб, айни кунда ускуналар харид қилиш бўйича Хитой билан шартномалар имзоланди.

"УСТОЗ-ШОГИРД"

Миллий хунарамандчиликни янада ривожлантириш ёш йигит-қизларимизда ажодларимиздан мерос бўлиб қолган халқ хунарамандчилигига бўлган қизиқишнинг ортиб боришига хизмат қилмоқда. Зеро, бу соҳа ўз аъёнларини авлоддан-авлодга ўтиши билан барҳаётдир. Бунда, айниқса, ҳаётга изчил таътиб этилаётган "устоз-шогирд" аъёнаси муҳим аҳамиятга эга. Уюшмада ушбу йўналишда қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, "Хунараманд" уюшмаси таркибда 470 дан ортиқ "устоз-шогирд" мактаблари юртимиз кишлоқ ва шаҳарларида фаолият юритмоқда. Уларда 1600 нафар ёшлар хунарамандчилигини ўрганишмоқда.

Бундан ташқари, ёш хунараманд кизлар истеъдодини намойиш қилиш, уларга ўз ижодий ишлари билан кўргазмаларда иштирок этиш имконини бериш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида республикамизда "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан" танловини ўтказиш аъёнаний тус олган. Қолаверса, ҳар йили Фонд Форум ҳамда Ёшлар ижод саройи хомийлигида "Навқирон Ўзбекистон" аъёнаний ва замонавий санъат фестивали ўтказиб келинади.

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Оилавий тадбиркорлик ва хунарамандчилик фаолиятини ривожлантириш мақсадида республикамизнинг 142 та туманида "Хунараманд" уюшмасининг



даги мумтоз музика дурдоналари, "Шарқ фантазияси", "Мустаҳзод" сингари шарқона тароналар, шунингдек, созанда ва бастакор Абдуҳошим Исмоиловнинг оркестри учун ёзилган махсус таронаси концерт чоғида илк бор янгради.

ФЕСТИВАЛЬ ОЛДИДАН

Ўзбекистон Ёшлар театрида Иккинчи «Theatre.UZ/2011»

КЎЗГҮ

бўлимлари очилиб, унга норасмий равишда фаолият юритаётган хунарамандлар аъзо қилинган. Бу йилги "Ташаббус-2011" кўрик-танловида тошкентлик Камолдин Абдуллаев ҳамда Фаргона вилоятидан Расулжон Мирзаҳмедов "Энг яхши оилавий бизнес" номинацияси бўйича голибликни қўлга киритдилар.

ҚАДИМИЙ ХУНАР

Уюшма халқимизнинг бир неча минг йиллик бой ва баёхона миллий қадриятларини қайта тиклаш, эзгу аъёнларимизни ривожлантириш, хунарамандчиликнинг янги ғоя ва лойиҳаларини хар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади.

Хусусан, яқинда марғилонлик хунарамандлар энг қадимги матоларимиздан банорас ва адрасларни унутилиб кетган қудин усулида ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Буюк Соҳибқирон Амир Темур давридаги сипоҳларнинг тағига тўшалган гилам нусхаси ҳам фарғоналик хунарамандлар томонидан қайта яратилди. Бойсун бундан 100 йил илгари ипакдан тўқилган гажари бўғжама, Сурхондарё ироқи дўппилари, Шофиркон ва Нурота каштачилари мактабидан узок тарихга эга бўлган кашталар, бухоролик хунарамандлар томонидан зардўзликнинг шакарқўзи, хишти харам, чашми булбул, оча бача, ситидўзи тикиш техникалари ҳам қайта тикланди. Ғиждудон усталари томонидан заргарликнинг филигран, қуйма, иссиқ эмал ва босма турлари, темирчилик турининг Дамас пўлоти, миллий оёқ кийимларининг ост қисмида ишлатилган чўп михлардан фойдаланиш, қуроқдўзлик усулида уй-рўзгор буюмларини тикиш йўлга қўйилди.

ЖАҲОН ХУНАРАМАНДЛАРИ САФИДА

"Хунараманд" уюшмаси 2009 йилда Жаҳон хунарамандлари уюшмасига аъзо бўлди. Эндликда уюшма аъзолари соҳага тегишли халқаро миқёсдаги тадбирларда ҳам қатнашиб келишмоқда. Масалан, шу кунгача хунарамандларимиз ўзлари яратган санъат асарлари билан Малайзия, Япония, Хитой, Туркменистон, Озарбайжон каби давлатларда ўтказилган кўргазмаларда қатнашиб келди.

Бундан ташқари, "Япон боғи"да Осие Тарақийёт банки семинари иштирокчилари учун ўтказилган кўргазмада уюшманинг 30 га яқин аъзолари ўзларининг энг сара асарлари билан қатнашди. Тошкент шаҳрида ўтказилган "ТМТЯ-2010" 16-Тошкент халқаро туристик ярмаркасида вилоятлардан тариф буюрган хунарамандларимиз ўзларининг энг сара хунарамандчилик маҳсулотлари билан иштирок этдилар. Бундан ташқари, жорий йилда Халқаро анжуманлар саройида ўтказилган "Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар ўртасида бўлиб ўтган маданий аъёналар ва миллий таомлар IX фестивали"да "Хунараманд" уюшмаси аъзолари ҳам фаол иштирок этдилар.

Уста-хунараманд Шариф Азимов эса II-III асрларда йўқолиб кетган Кушон давлати даврида яратилган 40 га яқин кулlochчилик маҳсулотларини яратиш билан бирга уларга ранг ва безак бериш усулларини ҳам тиклади. Марғилон шаҳрида 1925-1952 йиллар давомида фаолият юритган, 1952 йилдан бошлаб унутилиб кетган читгарлик хунари (Солижон ота Ахмадалиевлар оиласи асос солган) қайта тикланди. 2010 йилнинг январь ойидан бошлаб Марғилондаги Саид Аҳмад Хўжа Эшон мадрасасида ташкил қилинган устахонада 6

нафар ёшларга читгарлик хунари ўргатишмоқда.

Андижон шаҳар хунарамандлари томонидан мато тўқиш, аъёнаний заргарлик (балдоқсозлик), дўппидўзлик, каштачиликнинг босма ва ироқи чоклари, Андижон туман бўлими хунарамандлари томонидан кизлар ва эркеклар дўпписининг киргоғига қўйиладиган жияклар тўқиш, шаҳрихонлик чопон тикувчи хунарамандлар томонидан парпаша ва слон тўнларини тикиш, қосибларимиз эса қадимдан қолган кийик тери оңтарма этикларини ва табиий ҳолатда жулли теридан тикилган эркеклар маҳсуллари тикишни, Хоразм вилоятида мис ўймакорлиги, Навоий вилоятида тоштарошликнинг бўртма усули, Нурота каштачилигининг ироқи тикиш, йўрма тикиш усуллари, Бухоролик хунарамандлар ипак гилам тўқишни, Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳар хунарамандлари кўй жунидан гилам тўқишни, Темурий маликалар қийдиган миллий либосларнинг эски нақшлари қайта тикланиб, замонавий либосларда қўлланилмоқда. Қорақалпоғистонлик хунарамандлар ҳам қорақалпоқ миллий каштачилиги, дўппидўзлик, қуроқ тикиш каби халқ амалий санъати намуналарини қайта тиклашга муваффақ бўлишди.

ЖАҲОН ХУНАРАМАНДЛАРИ САФИДА

"Хунараманд" уюшмаси 2009 йилда Жаҳон хунарамандлари уюшмасига аъзо бўлди. Эндликда уюшма аъзолари соҳага тегишли халқаро миқёсдаги тадбирларда ҳам қатнашиб келишмоқда. Масалан, шу кунгача хунарамандларимиз ўзлари яратган санъат асарлари билан Малайзия, Япония, Хитой, Туркменистон, Озарбайжон каби давлатларда ўтказилган кўргазмаларда қатнашиб келди.

Бундан ташқари, "Япон боғи"да Осие Тарақийёт банки семинари иштирокчилари учун ўтказилган кўргазмада уюшманинг 30 га яқин аъзолари ўзларининг энг сара асарлари билан қатнашди. Тошкент шаҳрида ўтказилган "ТМТЯ-2010" 16-Тошкент халқаро туристик ярмаркасида вилоятлардан тариф буюрган хунарамандларимиз ўзларининг энг сара хунарамандчилик маҳсулотлари билан иштирок этдилар. Бундан ташқари, жорий йилда Халқаро анжуманлар саройида ўтказилган "Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар ўртасида бўлиб ўтган маданий аъёналар ва миллий таомлар IX фестивали"да "Хунараманд" уюшмаси аъзолари ҳам фаол иштирок этдилар.

Уста-хунараманд Шариф Азимов эса II-III асрларда йўқолиб кетган Кушон давлати даврида яратилган 40 га яқин кулlochчилик маҳсулотларини яратиш билан бирга уларга ранг ва безак бериш усулларини ҳам тиклади. Марғилон шаҳрида 1925-1952 йиллар давомида фаолият юритган, 1952 йилдан бошлаб унутилиб кетган читгарлик хунари (Солижон ота Ахмадалиевлар оиласи асос солган) қайта тикланди. 2010 йилнинг январь ойидан бошлаб Марғилондаги Саид Аҳмад Хўжа Эшон мадрасасида ташкил қилинган устахонада 6

Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎГИТ

Камтаринлик одат ақли эрга, Мевали шох боши эгилур ерга.

Оддий каммиш қанча ўсса — бўш ичи, Ҳеч қачон бўлолмас шакар қамиши.

БИЛАСИЗМИ?

Пишиб етилган олманинг таркибидан 25 фоиз ҳаво борлиги учун сув юзасида "сузиб" юраверади.

Заранг дарахти таркибидан 20 фоизга яқин қанд моддаси бор.

Греклар хризантемани "олтин гул", японлар эса "кипу" деб аташади.

ТУРФА ОЛАМ

ОНА МАЪБУДА

ИСПАНИЯНИНГ ВИЛЛАХОЙОСА ҲУДУДИДА ҚАДИМГИ ИБЕРИЙ ТИЛХОНАСИ ТОПИЛДИ.

Мазкур қазишма ишлари маҳаллий ратуша ва Франция ташқи ишлар вазирилик кўмагида амалга оширилган. 2005 йилдан бери тер тўқатган археологлар шу кунгача бу ердан бир қанча қадимий буюмларни топишга муваффақ бўлишган. Тошқин тарихий ашёлар орасида лойдан ясалган Она маъбуда ҳайкалининг парчалари, сопол, ойна, идиш-товоқ ва керосин лампалари ҳам бор. Шунга кўра, мутахассислар Иберий тилхоноси эрамининг дастлабки асрларида қурилганини тахмин қилишмоқда.



САХИЙЛИК САБОҚЛАРИ

КАСИВА (ЯПОНИЯ) ШАҲРИДА АНТИҚА КАФЕ ИШ БОШЛАДИ.



Кафенинг антиқалиги шундаки, ҳўрандалар олдида буюртма берилмаган егуликлар келтирилади. Бунда ҳеч қандай чалкашлик йўқ. Аксинча, официантлар ҳўрандага атайин бошқа бир мижознинг буюртмасини олиб келишади. Кафе маъмуриятининг фикрича, бу ердан ҳамма бир-бирини меҳмон қилади. Ҳўранда ўзига раво кўрган нарсани бошқаларга ҳам раво кўради. Мухими, кафега ташир буюрган ҳар бир ҳўранда сахийлик, кенг феъллик, меҳр-оқибат ва раҳмдиллик каби инсоний фазилатларнинг қадрига етишни ўргана экан.

ЖАНГЧИ АЁЛ

ШОТЛАНДИЯЛИК АРХЕОЛОГЛАР XIII-XIV АСР БОШЛАРИДА ЯШАГАН АСЛЗОДА ЖАНГЧИ АЁЛНИНГ СУЯҚ ҚОЛДИҚЛАРИНИ ТОПИШГАН КўРИНАДИ.

Мутахассисларнинг тахминича, суяк қолдиқлари "Қора Аг-несс" исми аёл-жангчига тегишли экани эҳтимолдан холи эмас. Жангчи аёлга тегишли суяк қолдиқлари ёнидан яна бешта инсонга тегишли skeletлар ҳам топилган. Лаборатория таҳлилларига кўра уларнинг бари жисмоний жараҳатлар туфайли ҳалок бўлган. Археологларнинг гапига қараганда, жангчи аёл ҳаётлик пайтида ниҳоятда мушаққод бўлиб, бўйи 1 метру 63 сантиметр атрофида бўлган эмши.

МИНИ-КОМПЬЮТЕР

ИТАЛИЯЛИК ДИЗАЙНЕР АНТОНИО ЛИЭТТО APPLE MAC MINI КОМПЬЮТЕРИНИ ЯРАТДИ.

Компьютер ҳақиқатдан ҳам мўъжазгина бўлиб, корпусининг қалинлиги бор-йўғи 10 миллиметрни ташкил қилади. Бироқ, унда оптик узатув қурilmаси ва дисклар учун мўлжалланган тешик ҳам йўқ. Шунга қарамай мини-компьютер стандарт интерфейсларнинг барчасига эга. Шунингдек, унда аудио, учта USB порти ва хотира картаси учун мўлжалланган слот ҳам мавжуд.

3.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Тошкент шаҳар ҳокимияти соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ўқув-даволаш комплекси тиббиёт коллежи томонидан Сабирова Нодира Амоновнага 1999 йилда берилган №274223 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 623, Адади — 7201
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмаи ХУДОЁЕВ
Навбатчи: Зафар МУХАММАД
Электрон почта: e-mail: milliy@sfarkor.uz



МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ